БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТ (большевик)ЛАР ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 51 (6726)
11 МАРТ
СЕШАНБА
1947 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН

Улуғ Октябрьнинг 30 йиллигини муносиб кутиб олайлик!

Сталинча янги бешйилликнинг иккинчи йили планини муддатидан илгари бажарайлик!

ФЗТ МАКТАБЛАРИГА ЧАҚИРИҚНИ УЮШҚОҚЛИК БЛАН ЎТКАЗАЙЛИК

Уруш даврида Ўзбекистон саноати айниқса ривожланиб кетди. Неча ўнлаб йирик ва биринчи даражали саноат тармоқлари вужудга келтирилди.

Сталинча тўртинчи бешйиллик план Ўзбекистоннинг саноат ва қишлоқ хўжалигини, фан, маданият ва сан'атини, халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини янада яшнатиш учун барча имконият ва маблағларни бермоқда.

Гап Ўзбекистонда оғир саноатни янада ривожлантириш, фабрика ва заводларни янада кўпайтириш ва уларнинг маҳсулотини кўпайтириш тўғрисида бормоқда. Масала шундай экан, биз саноатга тобора кўпроқ малакали ишчилар, техникани эгаллаган билимдон кадрларни, айниқса миллий кадрларни, техника зиёлиларимизни кўплаб етиштириб бермоғимиз лозим.

Шуни айтиш керакки, саноатга малакали, миллий ишчи кадрлар тайёрлашда бутун совет жамоатчилигининг актив иштироки талаб этилади.

Республикада кўпгина ФЗТ мактаблари, ҳунар-билим юртлари бор. Ишлабчиқариш корхоналарининг ўзида кенг миқ'ёсда малакали кадрлар тайёрлаш учун барча шароит мавжуд. Аммо, бизда ўзбеклардан ишчи кадрлар тайёрлаб етиштириш қониқарсиз аҳволда: Ҳозирги пайтда кўпгина саноат корхоналаримиз ишчи кучига муҳтож бўлгани учун ҳам бундай аҳволга чидаш мумкин эмас.

Саноат корхоналаримизнинг малакали ишчи кучларга бўлган талабини қондириш учун энг муҳим воситалардан бири бўлган фабрика-завод та'лими мактабларининг ишларини ҳар тарафлама яхшилаш, партия ва ҳукуматимизнинг бу соҳада олдимизга қўйган ҳамма вазифаларини большевикча уюшқоқлик, жасорат ва сабот блан бажариш зарур.

Беш йил мобайнида республикадаги ФЗТ мактаблари 70 минг ёш ишчини ўз қучоғида тарбиялаб саноат корхоналаримизга узатмоғи керак. ФЗТ мактабларимиз бу вазифаларни бажаришга киришдилар. Шу йилнинг февраль ойида республикамиздаги фабрика-завод та'лим мактабларини 3.594 киши битириб чиқди. Булардан 1936 киши тўқувчи, 476 таси темирйўлчи, 442 таси металлчи, 329 таси бинокор- уста, 200 таси кончи, 447 таси химия саноатининг ишчилари, 144 таси алоқачи ва 92 таси трамвай ишчиси ва ҳоказо. Эндиги вазифа мана шу ёш ҳунар эгаларини ўз малакаларига қараб ишга жойлаштиришдан ва уларга доим мадад ва ёрдам беришдан иборат бўлмоғи керак.

Ҳукуматимизнинг қарорига мувофиқ, шу йилнинг биринчи мартидан, то 1 апрелгача қадар, ФЗТ мактабларига янги ўқувчилар қабул қилинмоқда. Бу сафар ҳаммаси бўлиб 3.600 киши қабул қилинмоғи керак. ФЗТ мактабларига ўқувчилар қабул қилиш ниҳоят буюк, давлат аҳамиятига эга бўлган вазифадир. Шунинг учун ҳам бу ишни область, район партия ва совет ташкилотлари ўз қўлларига олмоқлари лозим. Айниқса бу масалада маҳаллий касаба союзлари ва комсомол ташкилотларининг тутган ўрни ва мас'улияти ниҳоят буюк. Комсомол ташкилотлари ёшларга ФЗТ мактабларининг аҳамиятини ва уларнинг Сталинча бешйиллик планни бажариш соҳасидаги ролини кенг тушинтириб бермоқлари ва бу ишларни уюштиришда маҳаллий партия, совет ташкилотларига ҳамда қабул комиссияси а'золарига ҳартарафлама амалий ёрдам бермоқлари лозим.

Шу блан бирга, комсомоллар ёшлар ўртасида ФЗТ мактаблари тўғрисида гапирганларида уларнинг ФЗТ мактабларига бўлган завқ ва ҳавасларини ортдирувчи жонли фактларни айтиб беришлари керак. Бу мактабларнинг аввалги ўқувчилари ҳозирги кунда қаерда, ким бўлиб ишлаётганликларини сўзлаб бермоқлари лозим.

Самарқанддаги ФЗТ мактабини а'ло баҳо блан битириб чиққан, қўшработли ўртоқ Карим Шазаров умрида паровозни кўрмаган эди. Ҳозир эса, ўртоқ Назаров машинист ёрдамчиси бўлиб ишламоқда. ФЗТ мактабларида катта завқ блан ўқиб, бундай касбларни эгаллаган ёшлар озмунча эмас.

Шуни айтиш керакки, ўтган мавсумда ФЗТ мактабларига ўқувчилар танлаш ва қабул қилишда кўпгина хато ва нуқсонларга йўл қўйилган эди. Район ва колхозлардан юборилган 3.694 кишидан 657 таси, шу жумладан Бухоро областининг Олот районидан келган 10 кишидан 9 таси ёши, соғлиғи, билим даражаси тўғри келмаганлигидан ва бошқа сабаблар блан қайтариб юборилган эди. Бу ҳол, Олот район партия комитетининг секретари Назаров ва район ижрокомининг раиси Расулов ўртоқларнинг ФЗТ мактабларига чақириқдек мас'улиятли вазифага совуққонлик блан қараганликларини кўрсатиб туради. Бу соҳада ўтмишдаги хатоларни мутлақо такрорламаслик, қабул ишларини иккинчи даражали ходимларга ташлаб қўймаслик, бу масала атрофига кенг жамоатчиликнинг фикрини тортиш керак.

Саноатга малакали кадрлар тайёрлаш Сталинча бешйиллик планнинг энг муҳим ва мас'улиятли вазифаларидан биридир. Шунинг учун ҳам партия, совет ташкилотлари бу ишга катта мас'улият ва зўр э'тибор блан қарашлари, бу борада содир бўлган ҳарқандай камчилик ва нуқсонларни ўз вақтида фош қилиш блан бирга, уларни дарҳол тузатишлари лозим. Район ташкилотлари ва колхоз правлениялари ФЗТ мактабларига юбориладиган ўқувчиларга ҳартарафлама ғамхўрлик қилишлари керак.

Давлат резервлари бошқармаси ФЗТ мактабларининг ўқувчиларни қабул қилиб олишга қанчалик тайёр эканликларини ҳартарафлама текшириши керак. Ётоқхоналар озода ва жиҳозланган бўлиши, ишхоналар ва ўқув кабинетлари ўқув асбоблари ва ускуналар блан та'минланган бўлиши керак. Шу блан бирга, ўқувчилар ўртасида оммавий-тарбиявий ишлар шундай ташкил қилиниши керакки, буларнинг ҳаммаси ёш ишчиларнинг ҳартарафлама ўсишига ва ихтисосли ишчилар бўлиб етишига ёрдам берсин.

ФЗТ мактаблари бу йилги чақириқнинг тамом бўлишини кутиб ўлтирмасдан айрим группалар тузиб ўқишни бошлаб юборишлари лозим.

ФЗТ мактабларига чақириқдек давлат аҳамиятига эга бўлган бу вазифани шараф блан бажарайлик.

Э. БЕВИН ЖАНОБЛАРИ МОСКВАГА КЕЛДИ

Буюк Британия Ташқи Ишлар Министри Э. Бевин жаноблари ва унинг ёнидаги кишилар Ташқи Ишлар Министрлари Кенгашининг ишида қатнашмоқ учун 8 мартда Москвага келдилар.

Белоруссия вокзалида Э. Бевин жанобларини СССР Ташқи Ишлар Министрининг Ўринбосари А. Я. Вишинский, СССР Ташқи Ишлар Министрлигининг Коллегия А'зоси К. В. Новиков, СССР Ташқи Ишлар Министрлиги Протокол Бўлимининг Мудири Ф. Ф. Молочков, шунингдек СССРдаги Буюк Британия элчихонасининг а'золари, Хитой элчиси Фу Бин-чан жаноблари, Америка Қўшма Штатлари элчиси У. Смит жаноблари, Туркия элчиси Ф. Акдур жаноблари, Янги Зеландия вакили Ч. Босвелл жаноблари, Австралиянинг мувaққат ишлар вакили П. Дэшам жаноблари, Канаданинг Мувaққат ишлар вакили Р. Фōрд жаноблари ва Франциянинг СССРдаги элчихонаси Маслаҳатчиси Ш. Колонна-Сезари жаноблари кутиб олдилар.

Вокзал Британия ва совет байроқлари блан безатилган эди.

Э. БЕВИН ЖАНОБЛАРИНИНГ БАЁНОТИ

Э. Бевин жаноблари вокзалда «Радио орқали сўнгги ахборот» микрофони олдида қуйидагиларни айтди:

Мен яна Москвага келганлигим ва Буюк Британия халқлари ҳамда Британия миллатлар дўстлиги халқларидан салом етказа олганлигим учун жуда хурсандман.

Биз шу кунларни барқарор тинчлик вужудга келтиришга интилиш блан ўтказажакмизки, бу тинчлик ҳар қандай тажовузкорликнинг такрорланишига чек қўяди ва бутун дун'ё халқларига хавфхатарсиз яшаш имкониятини беради.

Совет Иттифоқи халқарига энг яхши тилаклар тилайман!

ТОШКЕНТ ҚОРХОНАЛАРИ ҚОЛЛЕКТИВЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ССР САНОАТИНИНГ БАРЧА ИШЧИЛАРИ, ИНЖЕНЕРЛАРИ, ТЕХНИКЛАРИ, МАСТЕРЛАРИ ВА ХИЗМАТЧИЛАРИГА

мурожаати

Ҳурматли ўртоқлар!

Қаҳрамон шаҳар бўлмиш Ленин шаҳрининг меҳнаткашлари бизни Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли ўттиз йиллигини муносиб кутиб олишга чақираётирлар. Ўзбекистон халқлари ана шу тарихий кунни сиёсий ва хўжалик соҳасида ғоят катта муваффақиятлар блан қарши оладилар. Бир вақтлар чор Россиясининг узоқ мустамлакаси бўлиб, азоб-уқубат чеккан Ўзбекистон Совет ҳокимияти йилларида, Ленин—Сталин партиясининг етакчилигида, улуғ рус халқининг қардошларча ёрдами соясида Шарққа нур сочиб турган социалистик маш'алга, яшнаб турган илғор совет социалистик республикасига айланди.

Ленинча-сталинча доно миллий сиёсат туфайли Ўзбекистон эндиликда ҳартарафлама тараққий этган социалистик саноатга эга бўлди. Машинасозлик ва химия заводлари, тўқимачилик фабрикалари, пахта заводлари, озиқ-овқат ва аҳоли томонидан кўп исте'мол қилинадиган моллар ишлабчиқарувчи корхоналар вужудга келтирилди ва илғор техника асосида ишлайдиган машиналар блан қуролланиб, жадал сур'ат блан ривожланмоқда. Республикада хўжаликнинг энергетика, кўмир, рангли металл ва нефть саноати сингари муҳим тармоқлари вужудга келтирилди. Ўзбекистоннинг тўнғич қора металлургия корхонаси — металлургия заводи ишлаб турган корхоналар қаторига кирди. Шундай қилиб, эндиликда Ўзбекистон республика халқ хўжалигининг асосий соҳаси бўлмиш пахтачиликни янада ривожлантиришга қодир, қудратли саноат базасига эгадир. Янги бешйилликда Ўзбекистон саноат жиҳатидан янада кенг миқ'ёсда ривож топади.

Тошкент шаҳрининг саноати қишлоқ хўжалигини машиналаштириш ва республикада пахтачиликни юксалтиришда ғоят катта аҳамиятга эгадир. Тошкент саноати колхоз қишлоғини деҳқончилик машиналари блан та'минлаши ва уларга ҳамда тракторларга запас қисмлар, колхоз электрстанциялари ва ирригация қурилишлари учун ускуналар, колхозларга асбоб ва ускуналар етказиб бериб туриши керак.

Сталинча янги бешйилликда Тошкент саноати айниқса катта ўрин тутади. Партия ва Совет ҳукумати Ўзбекистон олдига 1947 йилда пахтачиликни экин майдони жиҳатидан ҳам, ҳосил жиҳатидан ҳам урушдан аввалги даражага етказиш, кейинчалик эса, бу даражадан анчагина ошириб юбориш вазифасини қўйди. Бу ҳол биздан, я'ни шаҳардаги саноат корхонлари коллективларидан қишлоқ хўжалигини машиналар блан та'минлашда катта ғайрат кўрсатишни талаб этади.

Заводларимизда ҳали ускуналардан тўла фойдаланилмаётир, маҳсулот ишлабчиқаришни анчагина кўпайтиришга йўл очадиган ва ҳисобга олинмаган бошқа имкониятлар ҳам кўп. Ўртоқ Сталин бизга: «Тузумимизда яширениб ётган ва иш давомидагина, фабрика, завод, колхоз, совхоз, районда ва шунга ўхшаш бошқа ерларда планни амалга ошираборгиш давомидагина, аниқланадиган барча имкониятларни ҳеч қандай бешйиллик план ҳисобга ололмайди» деб та'лим беради. Бизлар доҳийнинг бу кўрсатмасига амал қилиб, ўз имкониятларимизни яна бир марта чамалаб чиқдик, ўз резервларимизни ҳисоблаб кўрдик ва ленинградлилардан намуна олиб: Улуғ Октябрь Социалистик революциясининг 30 йиллигини нишонлаш шарафига урушдан кейинги бешйилликнинг иккинчи йили планини 1947 йил 7 ноябрьгача бажаришга қарор бердик.

Тошкентнинг ёш саноати учун бу—ўз етуклигини, катта ва мураккаб вазифаларни ҳал қилаолажагини кўрсатиш учун жиддий синов бўлади. Аммо, биз аминимизки, бу синовдан ҳеч сўзсиз муваффақият блан чиқамиз.

Бизлар ленинградлиларнинг тажрибасига кўра, ҳарбир корхонамизда йиллик программани муддатидан илгари бажариш йўлларини белгилаб, амалий план тузиб чиқдик. Бу планда меҳнат унумини янада ошириш ва маҳсулот таннархини пасайтириш, чиқариладиган маҳсулотнинг сифатини яхшилаш, технология жараёнини такомиллаштириш, ишлабчиқаришнинг янги ва жуда самарали усулларини жорий қилиш, хомаш'ё, ёқилғи ва электр қувватини тежаш кўзда тутилади.

Биз ўз планимизда малакали кадрлар, хусусан ўзбек ва бошқа маҳаллий миллат ишчиларидан малакали кадрлар тайёрлаб етиштириш ишига катта э'тибор бердик, шунингдек ишчиларнинг малакасини ошириш соҳасидаги ишларни кенгайтириб юбориш чораларини белгиладик. Бу муҳим ишларда муваффақият қозонишимиз учун биз ишчиларга та'лим беришнинг ҳамма йўлларидан, дастлаб бригадаларда шогирдлар тайёрлаш, техника минимуми тўгараклари ва стахановчилик мактабларидан фойдаланамиз.

1947 йилда колхоз қишлоғига деҳқончилик машиналари ва тракторлар учун анчагина миқдорда запас қисмлар етказиб бериш, кўсак чувийдиган машиналар, кўсак чувийдиган комбайнлар, пахта тарадиган машиналар, қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши курашадиган янги асбоблар конструкциясини тузиш ва ишлабчиқаришни йўлга қўйиш ҳамда уларнинг янги хилларини тайёрлаб бериш, пахта заводлари учун ишлатиладиган ускуналарнинг янги нав'ларини, ер ўядиган экскаваторлар ишлабчиқариш мажбуриятини оламиз. Бундан ташқари 1947 йилда арқоқ машиналар, калавалар, янги хил симлар, янги транспорт ускуналари, кўп исте'мол қилинадиган молларнинг янги турларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва уларни чиқара бошлаш мажбуриятини оламиз.

Биз, республика қишлоқ хўжалигига ўз та'сиримизни ҳартарафлама кучайтиришни бевосита бурчимиз деб ҳисоблаймиз. Токи қишлоқ хўжалиги 1947 йилда пахта ҳосилини ошириш юзасидан берилган топшириқни ошириб бажарсин ва давлатга пахта топшириш планининг муддатидан илгари бажарилишини та'минласин. Машиналар ишлабчиқариш соҳасида бизга берилган бу планни муддатидан илгари бажаришни ўзимизнинг асосий вазифамиз деб билиш блан бирга, оталигимиздаги МТС ва колхозларга уларда ҳисобот ва планлаш ишларини йўлга қўйишда, колхозчилар ўртасида агитация-оммавий ва тарбиявий ишларни кенг қизитиш ҳамда кейинда қолаётган МТС ва колхозларни илғорлар даражасига етказишга ёрдам беришни ҳам бурчимиз деб биламиз.

Уй-жой қурилиши ва шаҳарни обод қилиш ишини ўзимиз учун энг муҳим вазифа деб ҳисоблаймиз. Яшнаётган республикамизнинг пойтахти саноатгоҳ Тошкент — Иттифоқда энг гўзал ва обод шаҳарлардан бири бўлмоғи керак. Ҳарбир корхонада уй-жой қурилиши планини сўзсиз бажариш ва шаҳарни обод қилишда фаол катнашиш мажбуриятини зиммамизга оламиз.

Ҳурматли ўртоқлар! Бизлар бу мажбуриятларни олиш блан сизларни ҳам Ленинград ишчиларидан намуна олиб, урушдан кейинги бешйилликнинг иккинчи йили ишлабчиқариш планини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани бизлар блан биргаликда қизитиб юборишга чақирамиз.

Бинокорлик материаллари саноатининг ишчилари, инженерлари, техниклари ва хизматчиларига алоҳида мурожаат қиламиз. Ўртоқлар, ҳозирги пайтда кўп нарса сизларнинг ишингизга боғлиқ. Сизлар корхоналарингизнинг кейинда қолишига йўл қўйиб, саноат ва коммунал корхоналари қуриш ишини қийин аҳволга солиб қўйдингиз, илгарига қараб силжишимизни кечиктираётирсиз. Корхоналарингизда тартиб ўрнатиш чораларини кўрингиз, ғишт, черепица, цемент ва бошқа хил бинокорлик материаллари ишлабчиқаришни қат'иян кучайтириш учун барча имкониятларни ишга солингиз.

Ўртоқлар! Улуғ Октябрьнинг 30 йиллигини Сталинча бешйиллик иккинчи йили планини муддатидан илгари бажариш блан кутиб олайлик. Ишлабчиқариш соҳасидаги мураккаб вазифаларни ҳал қилишда кўпроқ ижодий ташаббус кўрсатингиз, дадилроқ бўлингиз. Маҳсулот ишлабчиқаришни янада кўпайтириш учун янги манба'лар топиб, уларни Ватанга хизмат қилдиринг. Қишлоқ хўжалиги учун кўпроқ машина ва моллар ишлаб берайлик, республикада пахтачиликнинг янада юксалишини та'минлайлик. Октябрь 30 йиллигини социалистик мусобақани янада қизитиб юбориш, бутун халқ хўжалиги ва маданиятимизни янада тараққий эттириш блан кутиб олайлик.

Яшасин қудратли социалистик Ватанимиз!

Бизни коммунизм сари олиб бораётган Ленин—Сталин партиясига шон-шарафлар бўлсин!

Ўзбек халқининг улуғ дўсти ва устози, барча ғалабаларимизнинг илҳомчиси, жонажон ва севикли Сталинга шон-шарафлар бўлсин!

Бу мурожаат Фрунзе номли «Тошсельмаш» заводи, Сталин номли «Тоштекстильмаш» заводи, Ворошилов номли «Ўзбектекстильмаш» заводи, Чкалов номли завод, Тошкент станциясидаги паровоз депоси, Йўллар министрлигининг машинасозлик заводи, «Қизил тонг» тикув фабрикаси, эгар-жабдуқ фабрикаси, консерва заводи, карборунд заводи, ЎзССР Енгил саноат министрлигининг металл-фурнитура заводи, 2-нчи ун комбинати, ВСУ—32 га қарашли 1-нчи ғишт заводлари бошқармаси, электркабель заводи, «Ўртоқ» кондитер комбинати ишчилари, инженерлари, техниклари, мастерлари ва хизматчиларининг йиғилишларида қабул қилинган.

Ж. БИДО ЖАНОБЛАРИ МОСКВАГА КЕЛДИ

Франция республикасининг Ташқи Ишлар Министри Ж. Бидо жаноблари ва унинг ёнидаги кишилар Ташқи ишлар министрлари кенгаши ишларида қатнашиш учун 9 мартда Москвага келдилар.

Белоруссия вокзалида Ж. Бидо жанобларини СССР Ташқи Ишлар Министрининг Ўринбосари А. Я. Вишинский, СССР Ташқи Ишлар Министрлиги Коллегиясининг А'зоси К. В. Новиков, СССР Ташқи Ишлар Министрлиги Протокол Бўлимининг Мудири Ф. Ф. Молочков, шунингдек элчи Ж. Катру бошчилигида Франция республикасининг СССРдаги элчихонасининг а'золари, Хитой элчиси Фу Бин-чан жаноблари, Греция элчиси А. Политис жаноблари, Югославия элчиси В. Попович жаноблари, Чехословакия элчиси И. Горак жаноблари, Америка Қўшма Штатлари элчиси У. Смит жаноблари, Буюк Британия элчиси сэр Петерсон, Туркия элчиси Ф. Акдур жаноблари, Норвегия элчиси Х. Берг жаноблари, Люксембург вакили Р. Блюм жаноблари, Финляндия вакили К. Сундстрем жаноблари, Венгрия вакили Д. Секфью жаноблари, Булғория вакили Н. Николов жаноблари, Миср вакили К. Эл-Биндари пошшо жаноблари, Польша республикасининг мувaққат ишлар вакили Г. Вольце жаноблари кутиб олдилар.

Вокзал Француз ва совет байроқлари блан безатилган эди.

ЖОРЖ БИДО ЖАНОБЛАРИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

Жорж Бидо жаноблари вокзалда «Радио орқали сўнгги хабарлар» микрофони олдида қуйидагиларни айтди:

«Мен яна Москвага келишим блан бахтиёрман. Мен уруш вақтида иттифоқ бўлиш ҳақидаги шартномани имзолаш учун бу ерга келган эдим. Мен бугун тинч вақт шароитида, иттифоқчилик шартномасида тилга олинган душманни келажакда тинчликка хавф туғдириш имкониятидан маҳрум этиш учун бу ерга қайтиб келдим. Мен Москва конференциясининг муваффақиятли ишлашига ва давлатларнинг сулҳ масаласида ҳамжиҳат бўлиб ҳаракат қилишига тамомила ишонганим ҳолда бу сафарга чиқдим. Сафарим шу қадар завқли шароитда ўтдики, ҳатто келиб етганимни сезмай ҳам қолдим».

Д. МАРШАЛЛ ЖАНОБЛАРИ МОСКВАГА КЕЛДИ

Америка Қўшма Штатларининг Давлат Секретари Д. Маршалл жаноблари ва унинг ёнидаги кишилар Ташқи ишлар министрлари кенгашининг ишида қатнашиш учун 9 мартда Москвага келдилар.

Марказий аэродромда Д. Маршалл жанобларини СССР Ташқи Ишлар Министрининг Ўринбосари А. Я. Вишинский, СССР Ташқи Ишлар Министрлиги Коллегиясининг А'зоси К. В. Новиков, СССР Ташқи Ишлар Министрлиги Протокол Бўлимининг Мудири Ф. Ф. Молочков, шунингдек элчи У. Смит жаноблари бошчилигида Америка Қўшма Штатларининг СССРдаги элчихонасининг а'золари, Хитой элчиси Фу Бин-чан жаноблари, Греция элчиси А. Политис жаноблари, Франция элчиси Ж. Катру жаноблари, Буюк Британия элчиси сэр Петерсон, Туркия элчиси Ф. Акдур жаноблари, Норвегия элчиси Х. Берг жаноблари, Люксембург вакили Р. Блюм жаноблари, Миср вакили К. Эл-Биндари пошшо жаноблари, Австрия сиёсий вакиллигининг маслаҳатчиси К. Брауннас жаноблари кутиб олдилар.

Аэродром Америка ва Совет байроқлари блан безатилган эди.

Д. МАРШАЛЛ ЖАНОБЛАРИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

Д. Маршалл жаноблари аэродромда «Радио орқали сўнгги ахборот» микрофони олдида қуйидагиларни айтди:

«Мен Москвага келишим блан беҳад бахтиёрман. Мен шундай гўзал бир кунда бу ерга биринчи марта келдим. Мен иззат-ҳурмат блан кутиб олинганлигим учун жуда миннатдорман. Узоқ Ялтада қисқа вақт ичида бўлиб ўтган учрашувни э'тиборга олмаганда, бу — Совет Иттифоқига биринчи самимий сафаримдир. Мен бу сафарим туфайли совет халқи блан биринчи марта чинакам алоқа боғлайман. Мен ўз зиммамга олиб келган вазифа бутун инсоният учун ғоят катта аҳамиятга эга эканлиги ва жиддий оқибатлар келтиражаги бутун жиҳонга ма'лум. Чинакам тинчлик барпо қилиш йўлида музокаралар олиб борган вақтда муқаррар кўп қийинчиликлар бўлган эди. Бу кенгашда ҳам шубҳасиз қийинчиликлар бўлади. Аммо бу қийинчиликлар муваффақиятли суратда бартараф қилинади. Биз сулҳ ҳақида музокаралар олиб бориш йўли блан бир фикрга келишимизга ишонаман. Бу ҳол узоқ давом этадиган тинчликни барпо қилиш соҳасидаги ишларни ғоят илгари силжитади. Бизларнинг ҳаммамиз шундай узоқ давом этадиган тинчлик бўлишидан жуда манфаатдормиз».

Б И Л Д И Р И Ш

II чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг Ўзбекистон ССР Олий Совети Биринчи Сессиясига келган депутатлари шу йил 11 март эрта блан соат 10 дан бошлаб Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг қабулхонасида (Карл Маркс кўчаси № 3) рўйхатга олинадилар.

В. М. МОЛОТОВ БЕВИН ЖАНОБЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

9 мартда СССР Ташқи Ишлар Министри В. М. Молотов Буюк Британия Ташқи Ишлар Министри Э. Бевин жанобларини қабул қилди.

Қабул вақтида Британия Элчиси сэр Морис Д. Петерсон ҳозир бўлди. (ТАСС).

В. М. МОЛОТОВ БИДО ЖАНОБЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

9 мартда СССР Ташқи Ишлар Министри В. М. Молотов Франция республикасининг Ташқи Ишлар Министри Ж. Бидо жанобларини қабул қилди.

Қабул вақтида Франция Элчиси Ж. Катру жаноблари ҳозир бўлди.

Белоруссия К(б)П Марказий Комитетининг пленуми

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

МИНСК, 7 март (ТАСС). 1947 йил 7 мартда Минскда Белоруссия К(б)П Марказий Комитетининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Пленум ташкилий масалаларни ва кўклам экишга тайёргарлик юзасидан дарҳол кўрилиши зарур бўлган тадбирлар ҳақидаги масалаларни муҳокама қилди.

Белоруссия К(б)П Марказий Комитетининг пленуми Белоруссияда партия ва совет ишини мустаҳкамлаш мақсадида Белоруссия К(б)П Марказий Комитетининг биринчи секретари ва Белоруссия ССР Министрлар Советининг Раиси лавозимларига алоҳида-алоҳида кишилар қўйилишини мувофиқ деб топди.

Белоруссия К(б)П Марказий Комитетининг пленуми Белоруссия К(б)П Марказий Комитетининг биринчи секретари қилиб ўртоқ Николай Иванович Гусаровни сайлади ва ўртоқ Пантелеймон Кондратьевич Пономаренкони Белоруссия ССР Министрлар Советининг Раиси вазифасида қолдирди.

Белоруссия К(б)П Марказий Комитетининг пленуми Белоруссия К(б)П Марказий Комитетида қишлоқ хўжалиги ва маҳсулот тайёрлаш бўйича секретарь ҳамда саноат бўйича секретарь лавозимлари бўлишини мувофиқ деб топди. Белоруссия К(б)П Марказий Комитетининг иккинчи секретари лавозимини тугатди.

Белоруссия К(б)П Марказий Комитетининг қишлоқ хўжалик ва маҳсулот тайёрлаш бўйича секретари қилиб ўртоқ Семен Денисович Игнатьев, Белоруссия К(б)П Марказий Комитетининг саноат бўйича секретари қилиб ўртоқ Владимир Никифорович Малин сайланди.

Пленум Белоруссия К(б)П Марказий Комитетининг пропаганда ва агитация бўйича секретари қилиб ўртоқ Михаил Трифонович Иовчукни сайлади. Белоруссия К(б)П Марказий Комитетининг пленуми ўртоқ Н. И. Гусаровни, С. Д. Игнатьевни ва ўртоқ М. Т. Иовчукни Белоруссия К(б)П Марказий Комитети Бюросининг а'золари қилиб сайлади.

Белоруссия К(б)П Марказий Комитетининг пленуми кўклам экишга тайёргарлик юзасидан дарҳол кўрилиши лозим бўлган тадбирлар ҳақида қарор қабул қилди.

ВКП(б) Марказий Комитетининг «Урушдан кейинги даврда қишлоқ хўжалигини юксалтириш тадбирлари тўғрисида» деб чиқарган қарорини Белоруссия ССРда амалга ошириш масаласини батафсил муҳокама қилмоқ учун яқин фурсатда Белоруссия К(б)П Марказий Комитетининг навбатдаги пленумини чақиришга қарор берилди.

Белоруссия К(б)П Марказий Комитетининг пленуми ўртоқ И. В. Сталинга табрик хати юборди.

ССР ИТТИФОҚИ МИНИСТРЛАР СОВЕТИ РАИСИ ГЕНЕРАЛИССИМУС И. В. СТАЛИНГА

МОСКВА, КРЕМЛЬ.

Совет Иттифоқидан жўнаб кетатуриб Сизга Москвада Польша Ҳукумат Делегациясининг иззат-ҳурмат блан дўстона кутиб олинганлиги учун чин қалбимдан ташаккур билдираман.

Москвада бўлиб ўтган музокараларимизнинг натижалари бузилмас Польша-Совет дўстлигини ривожлантириш ва кучайтириш йўлида қилинган яна бир жиддий қадам эканлиги шубҳасиздир.

Польша республикасининг бош министри
Ю. ЦИРАНКЕВИЧ.

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРИ, СССР ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРИ В. М. МОЛОТОВГА

МОСКВА.

Москвада иззат-ҳурмат блан дўстона кутиб олинганлигимиз учун самимий ташаккуримни қабул қилгайсиз. Москвада бўлиб ўтган музокараларимиз Польша-Совет дўстлигини янада кучайтирди. Бу дўстлик халқаро тинчликни мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутади.

Польша республикасининг бош министри
Ю. ЦИРАНКЕВИЧ.

ВКП(б) МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИНИ ВА УРТОҚ СТАЛИНГА ЁЗИЛГАН МАКТУБДА ОЛИНГАН МАЖБУРИЯТЛАРИМИЗНИ БАЖАРАМИЗ

Бутун куч ва э'тибор, ҳамма воситалар кўклам дала ишларини муваффақиятли ўтказишга сафарбар қилинсин

Юқори ҳосиллилар мусобақаси

(«Қизил Узбекистон»нинг махсус мухбиридан)

Андижон областининг юқори ҳосилли Ленин район пахтакорларининг бу йилги кенгаши пахтадан юқори ҳосил олишда республика мусобақасининг ташаббускори бўлди. Юқори ҳосилли бу районнинг илғор пахтакорлари областьнинг Избоскан районидан олиниб, Тошкент областининг Янгийўл районига берилган шуҳрат байроғини қайтадан қўлга киритишга отланганлар. Улар ҳозир кенгашда иштирок этаётган ўз мусобақадошларн Янгийўл ва Андижон район вакиллари ҳузурида республикада энг юқори ҳосил етиштириш учун ўз устларига янги мажбурият олмоқчилар.

Кенгашда район партия комитетининг секретари ўртоқ Ҳақназаров республика илғор пахтакорларининг тўртинчи қурултойи вакиллари томонидан ўртоқ Сталинга ёзилган мактубни ўқиб берди ва ВКП(б) Марказий Комитети Пленумининг «Урушдан кейинги даврда қишлоқ хўжалигини юксалтириш тадбирлари ҳақида»ги қарори муносабати билан район колхозчилари олдида турган вазифалар тўғрисида гапирди.

— Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 30 йиллигини, — дейди ўртоқ Ҳақназаров, — районимиз ҳар гектаридан 28 центнердан ҳосил бериш билан қарши олмоқчи, мамлакатга 1 миллион 500 минг тонна пахта бериш ишига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшиш учун бизнинг район билан илғор Янгийўл ва Андижон районлари республика социалистик мусобақасини бошлаб бериши керак. Шу мақсадда мен Янгийўл ва Андижон районларини бу йил гектаридан 28 центнер ҳосил олиш шарти билан район пахтакорлари номидан социалистик мусобақага чақираман.

Кенгашга йиғилган 2 мингдан ортиқ пахтакор бу улуғ ва шарафли чақириқни қарсаклар билан қабул қилди. Ҳарбир пахтакор ўзининг ана шу яқдиллиги билан Ватанга мўл пахта ҳосили етказиб бериш ва социалистик мусобақада ғолиб чиқиш учун куч-қувватини аямай курашишга тайёр турганини изҳор этади.

«Сталинчи» колхозининг раиси ўртоқ Турсун Холиқов ўз сўзида бутун Ленин район пахтакорларининг мамлакатга мўлкўл пахта бериш иштиёқи билан тўлиб, тошганини ифода қилади. «Сталинчи» колхози бу йил 1.150 гектар ерга чигит экади. «Сталинчи»лар ана шу ерларининг ҳарбир гектаридан ўтган йилги 30 центнер ўрнига, бу йил 40 центнердан ҳосил етиштиришга астойдил бел боғлаганлар. Ўртоқ Холиқов бу ва'да қуруқ гап бўлмай, ҳозир кўклам ишларини қартарафлама қизиштиш билан мустаҳкамланаётганини айтди.

Социалистик мусобақа байроғини бзланд кўтаришга отланган колхоз раҳбарлари, бригада, звено бошлиқлари биринкетин сўзга чиқиб, ўз устларига катта-катта мажбурият олиб, бир-бирларини социалистик мусобақага чақира бошладилар.

Кенгашда Янгийўл ва Андижон районларининг вакиллари Ленин районларининг чақиришини қабул қилиб, ўз районларидаги пахтакорларининг бу йил юқори ҳосил учун қандай курашаётганликларини айтиб бердилар. Шундан сўнг уч район ўртасида тузилган социалистик мусобақа шартномаси ўқиб эшитдирилди. Республикамизнинг пешқадамлари бўлган бу районларнинг 1947 йил мўл ҳосили учун кураш режалари ва тадбирлари кўрсатилган шартнома мусобақадошлар томонидан қизғин муҳокама қилингач, яқдиллик билан қабул этилди. Шартномага мувофиқ, Янгийўл, Ленин, Андижон район лари бу йил давлатга ҳар гектаридан 28 центнер ҳосил беришлари ва октябрь социалистик революциясининг 30 йиллигини давлат пахта планини тўла бажариш билан кутиб олишлари керак.

Шартномада пахтачилик билан бирга бедачиликни ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларини комплекс равишда ўстириш, чорвачилик, пилла, боғдорчилик каби ишларни ҳам ривожлантириш кўрсатилган. Шу билан бирга районларнинг ҳар қайси қиладиган муҳим ишлар алоҳида кўрсатилади. Чунончи, Ленин районн кейинги йилларда олмашлаб экишдан тушиб қолган 3970 гектар сувли ерни ишга солади.

Мусобақадош ҳар уч район вакиллари социалистик мусобақа шартномасининг бажарилишини кузатиб туриш учун арбитерлик қилишни ЎзССР Министрлар Совети ва ЎзК(б)П Марказий Комитети, «Қизил Ўзбекистон» ва «Правда Востока» газеталаридан сўрашга қарор қилдилар.

Кенгашда Ленин район комсомолларининг пахтадан юқори ҳосил етиштириб, октябрь 30 йиллигини муносиб кутиб олиш учун республика комсомолларига ёзган мурожаатлари ўқиб берилди.

Кенгаш охирида ЎзК(б)П Андижон область комитетининг секретари ўртоқ Мавлонов сўзлаб, Андижон пахтакорларини пахтадан юқори ҳосил олиш учун кураш мусобақасининг байроғини юқори кўтаришга чақирди. Сўнгра ўртоқ Мавлонов Ленин район пахтакорларига ЎзССР Министрлар Совети ва ЎзК(б)П Марказий Комитетининг 1946 йилда пахтадан мўл ҳосил олган илғор районлар учун та'сис этилган кўчма қизил байроғини топширди.

КОНСУЛЬТАЦИЯ

УРУҒЛИҚ ЧИГИТ ҲАШАРОТ ВА КАСАЛЛИКЛАРДАН САҚЛАНСИН

Ғўзанинг энг хавфли ва кўп тарқалган касалликларидан бири — гоммоздир. Бу касалликнинг уруғи чигит билан бирга ерга тушгандан кейин тезда авж олабошлайди. Гоммоз дастлаб ғўзанинг ёш баргини, ундан кейин ғунчз, гул ва кўсакларини зарарлайди. Гоммоз билан касалланган ғўза кўп шона тўкиб юборади. У ғўзанинг тана, шох-бутоқларини ҳам зарарлаши мумкин. Бундай ғўзалар салгина шамолда синиб кета беради.

Гоммоз касалининг уруғи асосан чигитда бўлади. Чигитни фармалин билан дорилаб экилса, ундаги гоммоз уруғи йўқолиб, ғўза бу касалликдан қутилади. Соф чигитга гоммоз кўпинча юқиланмаган омбордан, қоп-қанордан, арава ва автомашиналардан юқади. Шунинг учун колхозлардаги тоза чигит тўкиладиган омборлар, чигит ташиладиган қоп-қанор ва арава, машиналар энг аввал яхшилаб дориланиши керак.

Дорилаш учун ишлатиладиган фармалиннинг кучи одатда 36—40 процентли бўлади. Бундай фармалиннинг ҳар килограммига 20 литрдан сув қўшиб суюқ дори тайёрланади. Фармалин яхши эриши учун тайёрланаётган суюқлик иситилади.

Мана шу дори билан омборнинг поли, шиши, деворлари яхшилаб пуркалиши, эшик, дераза кесакилари шу дори билан ҳўлланган латта билан артиб чиқилиши керак. Сўнгра омборнинг дераза ва эшик лари 1—2 кунгача зич ёпиб қўйилади. Қоп-қанорларни эса шу дорига ботириб, сиқилади ва устига брезент ёпиб, 5—6 соатгача димлаб қўйилади. Арава ва автомашиналар ҳам дори билан яхшилаб артилади ёки пуркагич билн пуркалади. Сўнгра, бу дориланган омбор, қоп-қанорлар шамоллатиб, қуритилади.

Дорилашда омборнинг тоза бўлишига алоҳида э'тибор бериб, пилла митаси, узунбуруи, хасва каби ҳашаротларининг бор бўлишига мутлақо йўл қўймаслик керак. Бунлай ҳашаротларни йўқ қилиш учун керосин — оҳак эритмаси пуркалиши керак. Бу эритмани тайёрлаш учун 10 литр сувга 2 килограмм янги оҳак қўшилади. Сўнгра бунга бир литр керосин қўшиб, чилчўп ёки новда супурги билан 20—30 минуттача яхшилаб аралаштирилади. Мана шу эритма билан омборнинг ичи бир текисда пуркаб чиқилади.

Уруғлик чигитни сақлайдиган омбор ва қоп-қанорларни гоммоз ва бошқа зарарли ҳашаротлардан тозалаш жуда муҳим бўлганидан ҳарбир колхозда юқорида кўрсатиб ўтилган дориларни олдиндан тайёрлаб қўйиш керак.

Кўклам дала ишлари бошланди. Уруғлик чигитларни колхозларга ташиш пайти ҳам келди. Ҳарбир район ва ҳарбир колхозда керакли дориларни тайёрлаб, бир килограмм чигитни ҳам дорилланмаган қоп-қанорга солиш ва дорилланмаган омборга тўкишга йўл қўймаслик керак.

И. НОСКОВ.

Союз НИХИ СТАЗРА омбор зарарқунандаларига қарши кураш лабораториясининг мудири.

Партия турмуши

Жанговар программа

ВКП(б) Марказий Комитети Пленум қарорлари, Пастдарғам район «Маданий инқилоб» колхоз партия ташкилоти муҳокамасида

Навбатдаги партия йиғилиши жуда муҳим масалани—ВКП(б) Марказий Комитети Пленумининг «Урушдан кейинги даврда қишлоқ хўжалигини юксалтириш тадбирлари ҳақида»ги қарорини муҳокама қилишга бағишланган эди. Йиғилишда колхоз ҳаётида катта аҳамиятга эга бўлган масала кўрилаётганлиги учун, бошланғич партия ташкилоти ҳисобида турган барча партия а'зо ва кандидатларидан ташқари комсомол а'золари, бригада ва звено бошлиқлари ҳамда колхоз активлари иштирок этдилар.

Йиғилиш зўр тайёрлик билан ўтказилди. Мажлисда ВКП(б) Марказий Комитетн Пленумининг қарори модлама-модла ўқиб берилди. Коммунистлар, партиясиз большевиклар пахта усталари социалистик қишлоқ хўжалигини ривожлантириш программаси бўлган бу тарихий ҳужжатни зўр диққат билан тингладилар ва масалани муҳокама қилишда фаол қатнашдилар.

Биринчи сўз колхоз раиси ўртоқ Шоназаровга берилди.

КОЛХОЗ РАИСИ УРТОҚ ШОНАЗАРОВ СУЗИ

— ВКП(б) Марказий Комитети Пленумининг қарори партиямизнинг совет деҳқонларига нисбатан катта ғамхўрлигининг яни бир намунасидир. Биз Ленин-Сталин партияси бошчилигида коллектив хўжаликларга бирлашдик. Совет давлатининг машиналар, маълумотли ва бой тажрибали кадрлар билан бераётган катта ёрдами туфайли колхоз тузумида бахтимизни топдик, давлатманд ва маданиятли бўлдик.

Биз бу тарихий қарорга кўклам дала ишларини тез ва сифатли ўтказиш, пахталан юқори ҳосил олиш билан жавоб бераміз. Колхозимизда кўкламга тайёргарлик соҳасида камчиликлар кўп. Пахта ерларимиз кузда трактор билан бир марта ҳайдалган, ҳамма қишлоқ хўжалик асбобларимиз яхши ремонт қилинган, от-ҳўкизларимиз қишдан бақувват бўлиб чиқди. Лекин айрим бригада ва звеноларимизда далага гўнг чиқариш яхши уюштирилмаган. Социалистик мусобақа байроғини баланд кўтарган илғор звено ва бригадалар билан бир қаторда ўтган йил планини бажармаган Эшқул Хўжақулов звеносида далага гўнг чиқариш графиги бажарилмаётир. Гектаридан 40 центнердан пахта бериш мажбуриятини олган коммунист Ўроз Ерматов бошлиқ биринчи бригадада ҳам пахта ерларини экишга тайёрлаш яхши уюштирилмаган. Бу йил ўз устимизга олган мажбуриятни бажариш, ҳар гектар ердан 27 центнердан пахта бериш учун бу камчиликларни тезда тугатишимиз, чигит экишни қисқа муддатда сифатли қилиб ўтказиш учун курашишимиз лозим.

ЗВЕНО БОШЛИҒИ КОММУНИСТ УРТОҚ ХАЙИТ ТУРАҚУЛОВ СУЗИ

— Биз партиямизнинг, совет ҳукуматининг шахсан улуғ Сталининг колхозчи деҳқонларга қилаётган ғамхўрлигини ҳар куни сезиб турмоқдамиз. Бу ғамхўрлик учун партиямизга, улуғ Сталинга совет деҳқонлари номидан минг-минг марта раҳмат айтмоқчиман. Мен бошлиқ бўлган звено ВКП(б) Марказий Комитети Пленуми қарорига ҳар гектар ердан 70 центнер пахта бериш билан жавоб қайтарадн. Биз бу мажбуриятни албатта бажарамиз. Ҳозир ерларимиз иккинчи марта маҳаллий ўғитлар билан ўғитланмоқда. 20 мартдан бошлаб чигит экишни бошлаб юборамиз.

Шу билан бирга ўртоқ Тўрақулов колхозда болалар боғчаси ва яслалар, далада иссиқ овқат ташкил қилинмаганлиги, кўклам ишларини тезлатишга зарба бераётганлигини айтди.

— Бу муҳим қарорни амалга ошириш учун биз биринчи навбатда меҳнат интизомини мустаҳкамлашимиз, меҳнатни ҳисобга олишни яхшилашимиз керак. Бизда эса табельчиларнинг айби билан колхозчиларнинг меҳнати ўз вақтида табелга ёзилмайди. Масалан 1-нчи бригаданинг табельчиси Қудаевнинг айби билан ҳозиргача январь ойининг табели ёзилмаган. Бригада бошлиқлари меҳнатни тўғри ва пухта ҳисобга олишда актив қатнашишлари керак. Пленум қарори, дастлаввал биздан колхозда меҳнатни тўғри ҳисобга олишни талаб қилади.

КОЛХОЗ БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ СЕКРЕТАРИ — 2-НЧИ БРИГАДА БОШЛИҒИ УРТОҚ ҲАМРОЕВ СУЗИ

— ВКП(б) Марказий Комитети Пленумининг қарорида ҳалол меҳнат қилувчи колхозчиларнинг фикри, талаби тўла ифода қилинган. Бу қарор дастлаб колхоз коммунистларидан қишлоқ хўжалигини тезликда тиклаш ва янада ривожлантириш учун курашга оммани сафарбар қилишни талаб этади.

Биз, партия йиғилиши олдиган бригада а'золаримиз билан маслаҳатлашиб, бу йил ҳар гектардан камида 40 центнердан ҳосил олишга, Москвада очиладиган қишлоқ хўжалиги виставкасига қатнашиш ҳуқуқига эга бўлиш учун курашга бел боғладик. Биз шу шартлар билан барча бригадаларни Октябрь олди социалистик мусобақасига қўшилишга чақирамиз.

* * *

Йиғилишда сўзга чиққан колхозчилар, коммунистлар, партиясизлар ВКП(б) Марказий Комитети Пленуми қарорини қизғин табрикладилар ва шу қарорни бажариш юзасидан амалий таклифларни илгари сурдилар. Бу таклифлар, йиғилиш қарорига ёзилди.

«Маданий инқилоб» колхози коммунистларининг умумий йиғилиши ВКП(б) Марказий Комитети Пленуми қарорини яқиллик билан ма'қуллаб уни амалга ошириш тадбирларини белгилади.

Партия ташкилоти колхоз правлениеси билан бирга ўзининг асосий диққатини бригада ва звеноларни мустаҳкамлашга, колхозда меҳнатни тўғри ташкил этишга қаратади. Колхозда 12 коммунист бор. Улардан 3 таси бригада ва 2 таси юқори ҳосилли звено бошлиғи ва 2 таси котибчи бўлиб ишлайди. Ҳамма бригада ва звеноларга ер ва ишлабчиқариш воситалари беркитиб берилган.

Колхоз далаларида Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 30 йиллиги кунини давлат планларини бажариш билан кутиб олиш мусобақаси қизиб кетди. Бу мусобақада коммунистлар етакчилик ролини ўйнамоқдалар. Ҳайит Тўрақулов бошлиқ звено а'золари далага гўнг чиқариш графигини ошириб бажариш билан бирга ер ҳайдашни қизитиб юборишдн. 1-нчи бригада а'зоси ўртоқ Абдиев от-арава билан кунига 2 норма маҳаллий ўғит ташиб келади. Ҳосил Пардаева, Ҳосият Раҳимова каби стахановчи колхозчилар кунига 300 замбил тупроқ тўкмоқдалар.

Бошланғич партия ташкилоти колхозчилар ўртасида оммавий-агитация ишини сайлов кунларидагидек ташкил қилмоқда. Ҳарбир коммунист ва комсомол а'зоси ўзи беркитилган бригада ва звеноларда агитация ишини олиб боради. Ҳозир агитаторларнинг диққати ВКП(б) Марказий Комитети Пленумининг «Урушдан кейинги даврда қишлоқ хўжалигини юксалтириш тадбирлари ҳақида»ги қарорини ҳарбир колхозчига етказишга қаратилган. Бу қарорни колхоз агитаторлари колхозчиларга ўқиб тушунтирмоқдалар.

Колхоз партия ташкилотининг умумий йиғилиши, кўклам экин экишни уюшқоқлик билан ўтказиш учун, колхозчилар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтириш планини ҳам тузиб чиқди ва мусобақа шартларини бригада ва звеноларда текшириб туришни айрим коммунистларга топширди.

Ғ. АШУРОВ.

Хоразмда кўзбўямачилик

Хоразм областининг пахтадан юқори ҳосил олиб келаётган илғор колхозлари Ўзбекистон пахтакорлари тўртинчи қурултойи қатнашчиларининг ўртоқ Сталинга ёзган мактуби ва ЎзК(б)П Марказий Комитетининг маҳаллий ўғитларни тўплаш ва далага чиқариб тўкиш ҳақида 20 кунлик ўтказиш тўғрисидаги қарори муносабати билан кўклам дала ишларини ҳартарафлама кучайтириб юбордилар. Урганч районидаги кўпгина колхозлар далага маҳаллий ўғит чиқариш учун махсус аравакашлар ва замбилчилар бригадаси ташкил қилиб, ишни уюшқоқлик билан олиб бормоқдалар. «ЦИК Ўзбекистон» колхози (раиси ўртоқ Юсупов) 306 гектар пахта майдонидан 205 гектарини ҳар хил маҳаллий ғўнғлар билан ўғитлаб қўйди. Ўғитларни далага чиқаришда Жамила Рўзиматова, Раҳима Бекматова каби стахановчилар кунлик нормани 3—4 баравар ошириб бажармоқдалар.

Аммо, маҳаллий ўғит тўплаш ва уларни ташишда областьдаги ҳамма колхозлар ҳам иш ана шундай яхши ташкил этилган деб бўлмайди. Ҳазорасп районидаги «Қизил шарқ» колхози ўтган йил пахта тайёрлаш планини бажармади. Бунга пахта ерларини маҳаллий ўғитлар билан кучайтирмаслик ҳам сабаб бўлган эди. Колхоз раиси ўртоқ Искандаров колхозда ўтган йилги хатоларининг бу йил ҳам такрорланишига йўл қўймоқда. 215 гектар пахта майдонидан эндн 85 гектарга етарли маҳаллий ўғит тайёрланди. Колхозда 218 ишчи кучидан 180 кишн маҳаллий ўғит ташишга ажратилган бўлса ҳам, далада ҳар куни 40—50 дан ортиқ кишн ишламайди. Колхозчилар ўртасида меҳнат интизоми мустаҳкам йўлга қўйилган эмас. Графикка мувофиқ ҳар куни 6 гектар ерга маҳаллий ўғит чиқариб тўкилиши керак. Холбуки кунига ташилаётган ўғит ярим гектарга ҳам етмайди.

Шовот район Сталинобод қишлоқ советидаги «Қизил шарқ» колхозида аҳвол янз ҳам бмон. 258 гектар пахта майдонидан фақат 72 гектарига маҳаллий ўғит чиқариб тўкилгани ҳолда, колхоз раиси ўртоқ Нурматов район ташкилотларига «ҳамма еримизга маҳаллий ўғит солиндн» деб соҳта ма'лумот берган.

Область қишлоқ хўжалик бўлимининг берган ма'лумотига қараганда, областьда 644 минг тонна, ёки планнинг 50,7 процентн миқдорида маҳаллий ўғит чиқарилган. Ҳақиқий аҳволни суриштирганда эса, далага чиқарилган ўғит бунинг ярмига ҳам етмайди.

Областьда маҳаллий ўғитни ташиш учун от-улов кучлари тўла сафарбар этилган эмас. Колхозлардаги 7778 от-яравадан кўпчилиги ишламайди. Гурлан, Урганч район қишлоқ хўжалик бўлимларининг бошлиқлари колхозларда ғўнг ташишда қанча от-арава ва қанча одам ишлаётганлигини билмайдилар.

Ўтган йил Хоразм областининг кўпчилик колхозларида пахта тайёрлаш планининг бажарилмаслигига бир жиҳатдан маҳаллий ўғитлар билан ерни кучайтиришга жиноятқорона мас'улиятсиз қаралганлиги сабаб бўлган эди. Бу йил пахта ҳосилини ошириш юзасидан ўз устларига мажбурият олиб ва'да берган Хоразм пахтакорлари ва Хоразм область ва район партия, совет ташкилотларининг раҳбарлари пахта мўл ҳосилининг тақдирини ҳал этаднган маҳаллий ўғитларни фойдаланишда соҳта сводкаларга ишониб ўтирмасдан, ишни амалий равишда ташкил этишлари керак. Чунки, ғанимат фурсат ўтганидан кейин пушаймон фойда бермайди.

М. ХУДОЙБЕРГАНОВ.

(«Қизил Ўзбекистон» мухбири).

Коллектив шартномалар

СССР Министрлар Советининг қарорига мувофиқ 1947 йилнинг март ва апрель ойларида саноат корхоналари, транспорт ва қурилишларда ма'мурият билан касаба ташкилотлари ўртасида коллектив шартномалар тузилади.

Корхоналарда коллектив шартномалар тузилиши ишчилар оммасининг ишлабчиқаришдаги активлигини янада оширишга, уларнинг давлат планларини бажариш учун жавобгарлигини кучайтиришга хизмат қилувчи жуда муҳим сиёсий-хўжалик тадбирларидан бири бўлиб ҳисобланади. СССР Министрлар Совети ВЦСПСнинг 1947 йилда саноат корхоналарида коллектив шартномалар тузиш ҳақидаги таклифини ма'қуллаш билан бирга, шундай бир тартиб жорий қилдики, бу шартномалар министрликларнинг ва касаба союз марказий комитетларининг йўл-йўриқ беручи махсус мактублари асосида тузилиши, бу мактублар эса ВЦСПС томонидан ма'қулланган бўлиши лозим.

Касаба ташкилотларига меҳнаткашлар ўртасида сиёсий ва тарбиявий ишлар олиб бориш каби мас'улиятли вазифалар юклатилган. ВЦСПСнинг XV пленуми касаба союзлари олдига ишчилар, инженер-техниклар ва хизматчиларни сталинча бешйиллик планни бажариш учун сафарбар қилиш, шу мақсадда социалистик мусобақани тобора ривожлантириш каби фахрли вазифани қўйди. Бу муҳим вазифалар 1947 йилда корхона ма'муриятлари билан касаба ташкилотлари ўртасида тузиладиган коллектив шартномалар учун асос қилиб олиниши лозим.

Партиямиз ва шахсан ўртоқ Сталин коллектив шартномаларга жуда катта аҳамият бермоқда ва уни корхоналарда ишчилар оммасини давлат планларини бажаришга сафарбар қилувчи муҳим бир восита деб ҳисоблайди. ВКП(б)нинг XIV қурултойи қарорларида корхоналарда тузиладиган коллектив шартномаларни ишчилар ўртасида кенг равишда муҳокама қилиш лозимлиги кўрсатиб ўтилган. Бу қарорларда коллектив шартномалар ишчилар ўртасида чуқур ўрганилган ва ҳартарафлама муҳокама қилинган тақдиргина, ишнинг самарали бўлиши уқдириб ўтилган.

Саноат корхоналарида, транспортларда ва қурилишларда коллектив шартнома тузишдан аввал барча цехларда махсус бригадалар тузилиши лозим. Бу бригадалар меҳнат унумини ошириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, саноатнинг янги жараёнларини ўзлаштириш, меҳнатни муҳофаза қилиш шароитларини ва ишчилар, хизматчиларнинг моддий-маиший аҳволини тобора яхшилаш чораларини белгилаб чиқишлари лозим. Бригадалар томонидан белгиланган барча чора ва тадбирлар коллектив шартнома лойиҳасига киргизилиши, шартнома лойиҳаси барча цех ва смена йиғилишларида муҳокама қилингандан кейин, корхонанинг умумий йиғилишида, йирик корхоналарда эса махсус чақирилган конференцияларда атрофлича муҳокама қилиниши лозим.

Коллектив шартномалар умумий йиғилишларда муҳокама қилинган вақтда ишчиларнинг барча таклифлари ва шартномага киритилган қўшимчалар э'тиборга олиниши керак. Бордию корхона ма'муриятн ёки касаба ташкилоти ишчилар томонидан берилган бирорта таклифни мақбул кўрмаса, уни амалга ошириш мумкин эмаслигини кўрсатадиган барча сабаблар тўғрисида муфассал тушунтириб ўтишлари керак.

Шуни айтиб ўтиш керакки, ҳали Ўзбекистондаги кўпгина саноат тармоқларида жуда кўп камчиликлар бор. Бу камчиликларни бартараф қилиш масаласи коллектив шартномаларда кўрсатиб ўтилмоғи лозим. Масалан, ишчиларнинг кўпгина қисми социалистик мусобақада қатнашмай келадилар. Ўз нормаларини бажармайдилар. Пахта тозалаш саноатида ишчиларнинг 18 процентн социалистик мусобақада қатнашмайди ва 16 процентн кунлик нормаларини бажармай келади. Кўп заводларида ўз нормасини бажармаган ишчилар 27 процентни ташкил қилади. Меҳнатни нормалаш ишлари кўпгина саноат корхоналарида чигаллашиб қолган. Шу сабабли корхоналарда техникавий жиҳатдан тўғри асосланган нормалар ўрнига тахминий-статистик нормалар татбиқ қилинмоқда. Ўзбектекстильмаш заводида техникавий томонидан тўғри асосланган нормалар фақат 2,2 процентни, Калинович номли заводда 2,6 процентни, тўқимачилик комбинатида 41,6 процентни ташкил этади. Ильич номли заводда эса ҳозирги кунда татбиқ қилинаётган нормаларнинг бироптаси ҳам янги техникага мосланиб тузилган эмас, балки эскириб қолган нормалардир. Бундай тахминий нормалар ишчиларга иш ҳақи тўлашда текшчиликка олиб борали, оқибатда юқори ихтисосли ишчилар билан малакасиз ишчилар ўртасида ҳеққандай фарқ бўлмай қолади.

Баъзи корхоналарда социалистик мусобақани уюштиришга юзаки қаралмоқда. Мусобақа натижалари муттасил текшириб турилмайди. Фабрика-завод касаба комитетлари илғор стахановчиларнинг ўз нормаларини бажармай келаётган ишчиларни оталикка олишларини уюштирмайдилар, илғорларни рағбатлантириш чораларини кўрмайдилар. Ваҳоланки ВЦСПСнинг XII пленуми касаба ташкилотларига ҳурмат тахталари, ҳурмат дафтарлари, фахрий ёрлиқлар тайёрлаш каби кўпгина вазифалар юклаган эди.

Тўқимачилик саноати министрлигига қарашли корхоналар 1946 йилда уй-жой қурилиши учун ажратилган маблағларнинг 43,2 процентидангина фойдаландилар. Пахта тозалаш саноатида эса бу маблағнинг тўртдан бир қисмидангина фойдаланилди.

Биринчи ва иккинчи авторемонт заводлари ва бошқа корхоналарда клуб ва қизил бурчак каби бинолар бошқа мақсадлар учун фойдаланилмоқда. Тўқувчиларнинг маданият саройи, матбаачилар клуби ва ҳоказолар бошқа идоралар томонидан банд қилинган. Бу масалаларни тартибга солиш коллектив шартномаларда тўла равишда акс эттирилиши лозим.

Коллектив шартномалар тузилган вақтда ҳарбир айрим корхонанинг хусусиятларини э'тиборга олиб, ҳар икки томонни, я'ни корхона ма'муриятини ва ишчилар коллективини давлат планларини тўла ва ошириб бажаришга ва ишчиларнинг моддий ва маиший аҳволини яхшилашга қаратилган чораларни кўрсатиб ўтиши керак.

ВЦСПС барча касаба ташкилотларидан коллектив шартноманинг бажарилиши устидан доим назорат қилиб туришни талаб қилади. Шартноманинг бажарилишини камида ҳарбир квартални бир марта текшириб бориш лозим. Бу текширишда фабрика-завод комитетлари, цех комитетлари ва касаба ташкилотчиларининг барча комиссиялари қатнашмоғи лозим. Текшириш натижалари ишчиларнинг ва хизматчиларнинг умумий йиғилишларида муҳокама қилиниши керак.

Барча саноат корхоналарида касаба ташкилотлари коллектив шартнома асосида иш олиб бормоқлари лозим. Корхоналарда коллектив шартномалар тузилиши партия, ҳукумат ва ўртоқ Сталининг меҳнаткашлар моддий ва маиший аҳволларини яхшилаш тўғрисида катта ғамхўрлик қилаётганлигини кўрсатади ва Ватанимиз қудратини оширишга хизмат қилади.

Ю. ИСМОИЛОВ.

ВЦСПСнинг Ўзбекистондаги вакили.

Тошкентда 8 март байрами

Свердлов номидаги театрда тантанали мажлис

Ўзбекистон пойтахтининг меҳнаткаш хотин-қизлари Халқаро хотин-қизлар кунини баланд руҳ билан шодиёна байрам қилдилар. 7 ва 8 март кунларида шаҳардаги барча корхона, муассаса ва ўқув юртларида тантанали йиғилишлар ва кечалар бўлиб ўтди.

8 март кечқурун Свердлов номидаги театрда шаҳар корхоналари ва ўқув юртларининг хотин-қизлари вакилларидан 1.500 га яқин киши тўпланди.

Йиғилиш гулдурос олқишлар остида фахрий президиумга ВКП(б) Марказий Комитетининг ўртоқ Сталин бошлиқ Сиёсий бюросини сайлайди.

Йиғилишда Халқаро хотин-қизлар куни—8 март тўғрисида Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати ўртоқ В. Сомқова доклад қилди.

Докладчи Октябрь социалистик революциясига қадар хотин-қизларнинг турмуши нақадар оғир бўлганлиги ҳақида батафсил гапирди.

Фақат совет ҳокимияти даврида Ўзбек хотин-қизлари учун қувончли ҳаёт йўли очилди. Юзмингларча Ўзбек хотин-қизлари кўп миллатли Совет Иттифоқининг барча хотин-қизлари ва эркаклари билан биргаликда Ватанимизнинг давлат, хўжалик ва маданий ҳаётида фаол қатнашмоқдалар. Ўзбекистон хотин-қизларидан 650 киши колхоз раиси ва раис ўринбосари бўлиб ишламоқда. 42 мингга яқин ёш колхоз бригада ва звеноларига бошчилик қилмоқда. Ўзбек халқи ўз қизларига катта ишонч кўрсатиб, хотин-қизлардан 14 кишини СССР Олий Советига, 106 кишини Ўзбекистон ССР Олий Советига депутат қилиб сайлади. Ўзбекистон хотин-қизларидан 37 мингга яқин киши Совет Иттифоқи орден ва медальлари билан мукофотланган.

Совет мамлакатида она ва болаларга катта ғамхўрлик қилинмоқда. Она ва болалар учун бутун шароит яратиб берилган.

Ўртоқ Сомқова барча хотин-қизларни республиканинг халқ хўжалигини тиклаш ва янада ривожлантириш йўлида ғайрат билан ишлашга чақирди.

Хотин-қизларнинг умуминалар йиғилиши совет халқи эришган ғалабаларнинг ташкилотчиси ва илҳомчиси, энг яқин ўртоғимиз ва устозимиз ўртоқ Сталинга баланд руҳ билан табрик қабул қилди.

Йиғилиш охирида катта концерт берилди. (ЎзТАГ).

Атом қуролини тақиқлаш—Бирлашган миллатларнинг энг зарур вазифаси

А. А. ГРОМИКОнинг 1947 йил 5 мартда Хавфсизлик Кенгаши мажлисида сўзлаган нутқи

1. Атом қуролини тақиқлаш юзасидан шартнома тузиш тўғрисида

Хавфсизлик Кенгашида атом комиссиясининг докладини муҳокама қилиш шу жиҳатдан бирмунча фойда келтирдики, бу муҳокама натижасида ихтилоф бўлмаган масалаларда ҳам, ҳозиргача бир фикрга келинмаган масалаларда ҳам айрим давлатларнинг тутган йўллари янада равшанроқ бўлиб қолди. Шу блан бирга, атом энергиясини назорат қилиш соҳасидаги бирқанча муҳим масалаларда бир фикрга келиш йўлида ҳали айтарлик ўзгариш бўлмаганлигини ҳам кўрсатиб ўтиш керак. Бу масалалар юзасидан совет делегацияси томонидан киритилган таклифлар ҳозирча кўнгилдагидек муҳокама қилингани йўқ. Мен буни эслатиб ўтиш блан бирга, бу масала ва таклифларнинг моҳияти ҳақида айтадиган ҳеч қандай фикрлари бўлмаган кишилар ҳам бу муҳим масала ва таклифлар тўғрисида ўз фикрларини айтишлари керак, демоқчи эмасман.

Мен бу муҳим масала ва таклифлар ҳақида гапирар эканман, даставвал, атом қуролини ва кишиларни кўплаб қирадиган бошқа хил қурол-яроғларни тақиқлаш юзасидан шартнома тузиш масаласини ва совет делегациясининг бу масала ҳақида киргизган таклифини кўзда тутаман. Бирлашган миллатлар Бош Ассамблеяси 1946 йил 14 декабрьда чиқарган қарорида ташкилотнинг а'зоси бўлган барча давлатлар олдига атом энергиясини назорат қилиш ва ундан ҳарбий мақсадда фойдаланишга йўл қўймаслик ҳақида жиддий вазифаларни қўйди. Бу қарор блан Хавфсизлик Кенгашига айниқса катта мас'улият юклатилди, чунки атом энергиясини назорат қилучи халқаро назорат системаси Бирлашган миллатларнинг худди ана шу органи ҳузурида тузилиши керак, чунки худди ана шу орган атом энергиясидан ҳарбий мақсадларда фойдаланишга йўл қўймайдиган чораларни белгилаши ва уларни амалга оширишни та'минлаши керак.

Хавфсизлик Кенгашининг шу йил 18 февральдаги мажлисида совет делегацияси таклиф этган тузатиш ва қўшимчалар орасида атом комиссиясининг тавсияномасига киргизиладиган қўшимча ҳам бор. Бу қўшимчада бундай дейилади:

«Юқорида баён қилинган хулоса ва тавсияномаларни, шунингдек Бош Ассамблеянинг «Қурол-яроғни ҳамма ерда тартибга солиш ва камайтириш принциплари» тўғрисида 1946 йил 14 декабрьда чиқарган қарорларини тезроқ амалга ошириш мақсадида, Хавфсизлик Кенгаши атом қуролини ва қуролларнинг оламларни кўплаб қираоладиган бошқа асосий турларини тақиқлаш юзасидан тузиладиган шартномаларнинг лойиҳаларини кечиктирмай кўриб чиқиш зарур деб топади».

Атом қуролини тақиқлаш масаласи ва бу масала юзасидан киритилган тегишли таклифларга алоҳида э'тибор берилмоғи керак эди, чунки атом қуролини тақиқлаш Бирлашган миллатлар ташкилоти олдида турган энг биринчи ва дарҳол ҳал қилиниши лозим бўлган вазифадир. Атом комиссиясидаги совет делегацияси бу вазифаларни ҳал қилиш зарурлигини 1946 йил июнь ойидаёқ, я'ни комиссия ўз ишига эндигина киришаётган чоғдаёқ эслатиб ўтган эди. Афсуски, бу вазифани ҳал қилиш, Бирлашган миллатлар ташкилотининг манфаатларига ва унинг олдида турган вазифаларга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган турли баҳоналар блан ҳозиргача пайсалга солиниб келинаётганлигини та'кидлаб ўтиш зарур.

Бизга, Совет Иттифоқи атом энергиясини назорат қилиш масаласи юзасидан Америка томонидан киргизилган таклифларни қабул қилмагунча, атом қуролини тақиқлаш мумкин эмас, дейдилар. Масалани бу тарзда қўйиш атом энергиясини назорат қилиш соҳасидаги вазифаларни тез ва муваффақиятли ҳал этиш манфаатларига тўғри келмайди. Масалани бу тарзда қўйиш шунга асосланганки, атом энергияси соҳасидаги ўз устунлигини сақлаб қолиш учун бир мамлакат томонидан талқин қилинаётган шартларни Бирлашган миллатлар ташкилотининг а'зоси бўлган бошқа мамлакатларга зўрлик блан қабул қилдиришни истайдилар. Бундай планнинг авторлари ва ҳимоячиларига, балки сизларга, дейиш керак, чунки улар бошқа мамлакатларнинг манфаатларини бир мамлакатнинг тор доирадаги миллий манфаатларига бўйсундириш йўли блан бу мамлакатнинг манфаатларини Бирлашган миллатларнинг манфаатларига тенг қилиб қўяётганликларини яширмайдилар.

Атом энергиясидан фақат тинч мақсадлар учунгина фойдаланишни та'минлаш ниятида атом энергияси устидан халқаро миқ'ёсда назорат ўрнатишни истаганликлари ва бунга тайёр эканликлари ҳақида Америка вакилларининг атом комиссиясида, сўнгра Хавфсизлик Кенгашида айтган сўзлари, жумладан мен жуда ҳурмат қилган сенатор Остиннинг айтган сўзлари ва Американинг бу тўғридаги таклифлари бизни назорат масалаларини кўриб чиқишга доир жуда муҳим ва шошилинч вазифаларни ҳал қилишдан узоқлаштиради. Америка Қўшма Штатларининг вакиллари атом қуролини тақиқлаш юзасидан шартнома тузилишига қат'иян қарши чиқмоқдалар, ҳолбуки вазият бундай шартноманинг дарҳол тузилишини қаттиқ талаб қилаётганлигини тушуниб олиш қийин эмас. Буни ҳужум қуроли бўлган атом қуролининг хусусияти талаб қилади. Буни ҳозирги вақтда атом энергиясидан нуқул ҳарбий мақсадлар учун фойдаланилаётганлиги ҳам талаб қилади. Буни яна шу нарса ҳам талаб қиладики, заҳарли ва димиқтирадиган газларни тақиқловчи шартномалар тузишдек мисоллар тарихда бўлганлигини назарга олганда, бундай шартномани тузиш учун ҳеч қандай тўсқинлик йўқ. Бундай шартномани тузишга бирдан-бир тўсқинлик шундан иборатки, бир мамлакат бошқа мамлакатларнинг қонуний манфаатларини писанд қилмай, атом энергияси масалаларида ўз истагини бошқа мамлакатларга мажбуран қабул қилдиришга уринаётир.

Америка таклифларида белгиланган тадбирлар бизни атом энергиясидан фақат тинчлик мақсадларидагина фойдаланишни та'минлаш ниятида атом энергиясини назорат қилиш тўғрисидаги вазифани муваффақиятли ҳал қилиш имкониятини беради деб ҳисоблаш мумкинми? Йўқ, бундай деб айтиб бўлмайди. Атом қуролини тақиқлаш тўғрисида шартнома тузмай туриб, атом энергиясини халқаро миқ'ёсда қаттиқ назорат қилиб туриш мумкин бўлажаги ҳақида жиддий гапириб бўлмайди. Совет Иттифоқи худди ана шундай назорат ўрнатилишини талаб қилиб келди ва талаб қилмоқда. Бундай шартномани тузмай туриб, бу хил қаттиқ назорат ўрнатиш вазифасини ҳал қилиш қийин бўлади, эҳтимол, бутунлай мумкин бўлмайди. Атом қуролини, шунингдек оламларни кўплаб қирадиган бошқа ҳамма хил қуролларни тақиқлаш Бош Ассамблеянинг юқорида айтилган қарорини бажариш йўлида биринчи муҳим қадам бўлмоғи керак. Атом қуролини, шунингдек оламларни кўплаб қирадиган бошқа ҳамма хил қуролларни тақиқлаш барча сулҳпарвар халқларнинг асл манфаатларига мос келади.

Ҳужум қуроли бўлган ва даставвал тинч аҳоли учун хавфли бўлган атом қуролини дарҳол тақиқлаш масаласини ҳал этишни инсониятнинг қадим ан'аналари ҳам талаб қилади. Бу ан'аналар маданий тараққиётнинг ибтидоий даврларидаёқ ма'лум ахлоқий қоидалар пайдо бўлганлигини кўрсатади. Бу қоидаларга биноан, урушда тинч аҳолини қириш жиноят деб ҳисобланади. «Хотин-қизлар, болалар ва кексалар қони ғалабангизга доғ бўлмасин» деган сўз неча-неча асрлар бўйи кўп халқлар орасида раҳнамо бўлиб келган. Ўрта асрлар тарихидан кўп ибратли мисолларни келтириш мумкин. Йигирманчи асрда тузилган Бирлашган миллатлар ташкилотимиз бу жиҳатдан қадим замонлар ва ўрта асрлар ахлоқидан ора кейинда қолмаса керак деб ишонамиз. Мен атом қуролини ва кишиларни кўплаб қирадиган бошқа хил қурол-яроғларни тақиқлаш масаласининг аҳамиятини ва бу масала ҳақида киритилган таклифларнинг аҳамиятини яна бир марта эслатиб ўтишни зарур деб ҳисоблайман, чунки ҳар ҳолда биз бу масалада провардида бир фикрга келаоламиз ва тегишли шартнома лойиҳаларини тезда муҳокама қилаоламиз деб ишонаман.

Мен шу йил 14 февральдаги баёнотимда Хавфсизлик Кенгашининг э'тиборини шунга жалб қилган эдимки, атом қуролини тақиқлаш юзасидан битим тузилиши блан бошқа масалаларни, шу жумладан тафтиш ҳақидаги масалани муҳокама қилиш тўхтатилиб қўйилмайди. Лекин атом энергияси устидан назорат ўрнатилишига доир ҳамма масалаларни кўриб чиқиш учун албатта вақт талаб қилинади, шу сабабли, атом қуролини тақиқлаш юзасидан битим тузишни кечиктириш учун ҳеч қандай асос йўқ.

Бундай шартномани тузиш Бош Ассамблеянинг 1946 йил 14 декабрьда чиқарган қарорини амалга ошириш йўлида қат'ий амалий қадам бўлиш блан бирга, Бош Ассамблеянинг қароридан келиб чиқадиган бошқа масалаларни ҳал қилиш учун ҳам қулай шароит вужудга келтирар эди. Бундай шартноманинг тузилиши Бирлашган миллатлар а'зоси бўлган давлатлар ўртасида бир-бирларига бўлган ишончни кучайтиришга ва ташкилотимизнинг обрўсини оширишга ёрдам беражаги ҳақида гапириб ҳам ўтирмайман.

2 Назорат ва тафтиш тўғрисида

Совет вакили атом комиссиясида ва Хавфсизлик Кенгашида, атом энергиясини назорат қилиш масалаларини кўрган вақтда даставвал асосий масалаларга э'тибор бериш керак, деб бирнеча марта эслатиб ўтган эди. Агар атом комиссияси ҳам ва Хавфсизлик Кенгаши ҳам асосий масалаларда бир фикрга келсалар, улар унчалик муҳим бўлмаган иккинчи даражали масалаларни ҳал қилишда айтарлик катта қийинчиликларга дуч келмас эдилар. Мен даставвал асосий масалалар юзасидан бир фикрга келиш зарурлигига Хавфсизлик Кенгашининг э'тиборини яна бир марта жалб қиламан, бу блан қолган масалаларда келишиш учун йўл очилган бўлур эди. Мен бундай муҳим вазифаларнинг бирини, я'ни атом қуролини тақиқлаш юзасидан дарҳол шартнома тузиш зарурлигини юқорида айтиб ўтган эдим. Атом энергияси устидан назорат ўрнатишга доир ҳамма масалаларни кўриб чиқиш муносабати блан бир фикрга келиш зарур бўлган бошқа муҳим масалалар ҳам бор. Шу муносабат блан шуни кўрсатиб ўтишни истайманки, биз даставвал назоратни ва унга доир ба'зи муҳим вазифаларни қандай тушуниш кераклиги ҳақида муайян ва аниқ тасаввурга эга бўлмоғимиз керак. Биз бу масала ҳақида бир фикрга келишимиз зарур, чунки ба'зи таклифларнинг авторлари ҳозиргача халқаро назоратни ўзларича тушунмоқдалар.

Совет делегацияси шуни эслатиб ўтишни зарур деб ҳисоблайдики, атом энергиясини халқаро миқ'ёсда назорат қилиш масаласида Совет ҳукуматининг қандай йўл тутганлигини СССР Ҳукуматининг бошлиғи Генералиссимус Сталин аниқ айтиб берган эди. Генералиссимус Сталин 1946 йил 23 октябрьда Америкадаги Юнайтед Пресс президенти Хью Бейлининг бу тўғридаги саволига жавоб бериб, «қаттиқ халқаро назорат зарур» деган эди. Шундай қилиб, Совет Иттифоқининг ва Хавфсизлик Кенгашидаги ҳамда атом комиссиясидаги совет вакилларининг бу масалада тутган йўли жуда равшан. Совет Иттифоқи атом энергиясини халқаро миқ'ёсда жуда қаттиқ назорат қилиб туришни ёқлаб келди ва бундан буён ҳам ёқлайди.

Совет делегациясининг бошлиғи, СССР Ташқи Ишлар Министри В. М. Молотов, Бош Ассамблеянинг сўнгги сессиясида сўнгра Совет вакили атом комиссияси ва Хавфсизлик Кенгашида СССРнинг тафтиш масалаларида тутган йўлини ҳам тушинтириб бердилар, тафтиш бўлмаса қаттиқ ва ҳақиқий халқаро назорат бўлиши ҳам мумкин эмас, албатта. Яхши тафтиш қилиб туриш—халқаро назорат системасининг энг муҳим шартидир. Совет Иттифоқининг бу масалада тутган йўли кўпинча нотўғри, ба'зан эса бутунлай бузиб тасвир қилинаётганлиги сабабли, мен бу ҳақда қўшимча суратда изоҳ бериб ўтишни зарур деб топдим. Ба'зи вақтда, Совет Иттифоқи халқаро қаттиқ назорат ўрнатилишига ва диққат блан тафтиш қилиб туришга қарши, деган гапларни эшитишга тўғри келади. Бундай гаплар тамомила асоссиз бўлиб, Совет Иттифоқининг бу муҳим масаладаги ҳақиқий фикри ҳақида афкор оммани чалғитиш учун айтилаётган бўлса керак.

Совет Иттифоқининг тутган йўли блан Америка Қўшма Штатлари вакили томонидан атом комиссиясига ўз вақтида тақдим этилган ва атом комиссиясининг ҳозир кўрилаётган доклади учун асос қилиб олинган таклифлар ўртасида фарқ нима, деб айтишим мумкин. Мен атом қуролини тақиқлаш юзасидан дарҳол битим тузиш зарурлиги ҳақида гапирганимда, энг муҳим фарқлардан бирини кўрсатиб ўтган эдим. Америка таклифларида атом қуролини тақиқлаш юзасидан дарҳол битим тузиш назарда тутилмайди. Лекин, бошқа масалаларда ҳам фарқ бор, муҳим фарқ бор.

Атом энергиясини назорат қилиш ва тафтиш масалаларида Совет Иттифоқининг тутган йўли равшан. Атом энергиясини халқаро миқ'ёсда қаттиқ назорат ва тафтиш қилиб туриш зарур. Шу блан бирга, қаттиқ халқаро назорат ва қаттиқ тафтиш саноатнинг атом энергияси ишлаб чиқариш блан алоқали бўлмаган тармоқларининг ишига аралашишга айланиб кетмаслиги керак. Атом энергиясини халқаро миқ'ёсда назорат қилиш атом энергиясига алоқадор бўлмаган масалаларни ўз ичига олмаслиги керак.

Мантиқ бизларга ҳарбир фикрни жуда бачканалаштириб юбориш мумкин эканлигини кўрсатади. Яхши фикр ва ғоялар ҳам бундан мустасно эмас. Атом энергиясини назорат қилишни ҳаддан ошгач назоратга айлантириб юбориш—атом энергиясидан ҳарбий мақсадларда фойдаланишни тақиқлаш ниятида уни назорат қилиб туриш ғоясини бема'ни бир нарсага айлантириш бўлур эди. Назоратнинг ҳаддан ошириб юборилиши назоратнинг ва назорат органининг (ёки органларининг) бу назорат ва жорий қилинадиган мамлакатларнинг иқтисодий ҳаётига, уларнинг ички ишларига ҳадеб аралашувига сабаб бўлур эди. Атом энергиясини назорат қилиш ва атом қуролини тақиқлаш соҳасида Бирлашган миллатлар ташкилоти томонидан қўйилган вазифаларни бажариш биздан буни талаб қилмайди. Атом энергияси устидан халқаро назорат ўрнатилиши муносабати блан Бирлашган миллатлар ташкилотининг олдида турган вазифа бу эмас.

Халқаро назоратни Америка Қўшма Штатлари тақлим этган ва атом комиссияси докладининг тегишли боблари учун асос қилиб олинган таклифларда баён қилинганидек тушуниш, назорат ва тафтиш ишларини уюштиришни қийинлаштиришгина мумкин, чунки бу, мен юқорида айтиб ўтганимдек, назорат органининг давлатларнинг ички ишларига, уларнинг иқтисодий ҳаётига очиқдан-очиқ аралашувига йўл очиб берар эди, бу эса, Бирлашган миллатлар ташкилотининг асосий принципларига тўғри келмайди. Қаттиқ назорат ўрнатиш манфаатлари давлатларнинг ички ишларига бундай аралашишни талаб қилмайди, назорат органларига бу соҳада юклатилган вазифаларни ҳал қилиш учун улар олдига қўйилган талаблар бундай аралашишга асос ҳам бўлаолмайди. Мен сизларнинг э'тиборингизни шунга жалб қиламанки, назорат қилучи органларга давлатларнинг ички ҳаёти ва ички ишларига аралашиш ҳуқуқи бериш тўғрисидаги таклифларнинг асоссизлигини кўпгина атомчи олимлар ҳам тушинадилар. Шу муносабат блан атомчи инглиз олимлари иттифоқи кенгашининг шу йил 20 январьда чиқарган баённомаси э'тиборни ўзига жалб қилади. Бу баённомада Барух плани деб аталган пландаги бирқанча моддалар танқид қилинади. Жумладан, инглиз олимлари тафтиш масаласи ҳақидаги таклифларнинг асоссизлигини кўрсатадилар. Американинг тафтиш тўғрисидаги таклифида назорат қилучи органга тафтиш қилиш учун чекланмаган ҳуқуқ берилиши кўзда тутилган. Олимлар буни тафтиш тўғрисидаги Америка таклифининг жиддий камчилиги деб жуда тўғри айтадилар. Олимларнинг фикрича, «тафтиш қилиш ҳуқуқи мумкин қадар чекланган бўлиши ва қонун доирасида ишлаётган саноат ва бошқа хил ишлар блан ортиқ даражада қизиқишга йўл қўймаслиги керак. Бу кенг муҳокама қилиш йўли блангина ҳал қилинадиган масаладир. «Тинтув ўтказиш учун бериладиган ордер»да назарда тутилган тартибни кўз олдига келтириш мумкин. Бу ордер атом энергиясини назорат қилучи органни шубҳа солаётган етарли далиллар борлигини аниқлагандан кейингина, тафтиш қилинадиган жойларга кириш ҳуқуқини беради.

Кўрасизки, атомчи олимлар Америка планида назорат органларига тафтиш соҳасида ҳаддан ташқари кенг ҳуқуқ берилишини кўзда тутган таклиф Америка планининг жиддий камчиликларидан бири деб ҳисоблайдилар. Америка Қўшма Штатларининг назорат тўғрисидаги таклифлари назорат органлари назорат ва тафтиш вазифаларини бажарган вақтда бошқа давлатларнинг манфаатлари иккинчи ўринга сурилиб қўйилиши керак, деган хато фикрга асосланган. Америка Қўшма Штатлари вакилининг атом комиссиясига киргизган таклифида, атом корхоналарини назорат ишини амалга ошириш мас'улияти юклатилган халқаро орган ихтиёрига бериш зарур, деган хулоса худди ана шу тамомила нотўғри фикрга асослангандир. Бундай таклиф Барух плани деб аталган планнинг авторлари бошқа мамлакатларнинг миллий манфаатларини бутунлай назарга олмаганликларини ва бу мамлакатларнинг манфаатларини аслда бир мамлакат, я'ни Америка Қўшма Штатларининг манфаатларига бўйсундиришни истаганликларини кўрсатади.

Назорат органларига бундай ҳуқуқлар берилиши бу органларнинг, даставвал уларда кўпчиликни ўзларига эргаштира оладиган кишиларнинг бебошдоқлигига сабаб бўлажагини тушиниб олиш қийин эмас. Назорат қилучи органларга бундай ҳуқуқларни бериш турли мамлакатларнинг ерлардаги корхоналарнинг ишига асоссиз суратда ҳадеб аралашиш имкониятини берар эди. Америка Қўшма Штатлари вакили 1946 йил 14 июньда атом комиссияси мажлисида сўзлаган нутқида назорат қилучи органнинг вазифалари масаласини қуйидагича тушинтирди.

«Халқаро назорат органи атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги ишларни мулкнинг турли шаклларини белгилаш, уларга эгалик қилиш, рухсат бериш, уларни ишлатиш, уларга назорат қилиш, уларда тадқиқот ишлари олиб бориш ва уларни тажрибали ходимлар орқали идора қилиш йўли блан назорат қилиш планини пухта тузиб чиқиши керак» (1-нчи модда. Умумий қоидалар).

Бу таклифларни ёзган кишилар ўз планлари назорат органларининг давлат ҳаётининг жуда хилма-хил соҳаларига аралашувини кўзда тутганлигини инкор қилмайдилар. Америка Қўшма Штатлари вакилининг шу юқорида айтилган баёнотида масалани бирмунча юмшатиш мақсадида бундай дейилади: халқаро назорат органи мол-мулк, тасарруф, рухсат бериш (лицензия) ва бошқалар соҳасида юқорида айтилган вазифаларни ҳал қилгандан кейин «...манфаатлар турли мамлакатлардаги иқтисодий ишлар планларига, хусусий, кооператив ва ҳукумат муносабатларига мумкин қадар камроқ аралашувига йўл қўйилиши керак» (1 модда. Умумий қоидалар). Шундай қилиб, назорат қилучи органнинг мамлакатлардаги ҳамма ишларга аралашуви кўзда тутилади. Бу аралашувни келажакда бирмунча чеклаш ҳақидаги эскартма аҳволни ўзгартирмайди, чунки асосий гап бунда эмас.

Эгалик қилиш, рухсат бериш ва бошқа бирқанча ишларни бажариш юклатилган назорат органининг вазифаси трестлар ва синдикатлар вазифаси блан тенг бўлиб қолади. Бу трест ва синдикатларнинг халқаро муносабатларга ва айрим мамлакатларнинг экономикасига қандай та'сир қилаётганликлари ма'лум.

Атом комиссияси айрим мамлакатлар ерида жойлашган корхоналарга эгалик қилучи халқаро трест ва синдикатлар тузиш учун ташкил қилинган эмас. Бош Ассамблеянинг атом энергияси устидан назорат ўрнатиш ва атом қуролини тақиқлаш тўғрисидаги 1946 йил 14 декабрь қарори бунинг учун чиқарилган эмас. Бу масалаларни ҳал этишда фақат бир мамлакатнинг манфаатларинигина эмас, балки бошқа мамлакатларнинг ҳам қонуний манфаатларини назарга олиб иш кўриш кераклигини тушинадиган вақт келди. Назорат органи турли мамлакатларда корхоналар устидан хўжайинлик қилсин эмиш, бирон мамлакат ерида бундай корхоналар қурилишига рухсат бериш керакми ёки йўқми деган масалаларни ҳал қилсин эмиш, атом энергиясини ишлаб чиқариш ва ундан фойдаланиш соҳасида илмий-текшириш ишлари олиб бориш учун катта ҳуқуққа эга бўлсин эмиш, бундай аҳволни ора кўз олдига келтириш мумкин эмас. Бундай аҳволни тасаввур қилиш мумкин эмас. Ҳақиқатни тушинмайдиган кишиларгина бундай тартиб вужудга келтирилишига жиддий ишонишлари мумкин.

Қўшма Штатларнинг таклифларидаги юқорида айтилган қоидалар ўзгартилган шаклда бирнеча марта такрорланади. Қўшма Штатлар вакилининг худди шу баёнотида бундай дейилади: назорат органи «портловчи материалларни хавф туғдирадиган миқдорда кўп ишлаб чиқараётган ҳамма заводларни назорат қилиши ва ишлатиши, бу заводларнинг маҳсулоти ва улар устидан назорат қилиш назорат органи ихтиёрида бўлиши лозим». (3-нчи модда. Асосий ишлабчиқариш шартлари).

Бу қоидада назорат органини ўзига хос халқаро трестга айлантириш зарурлиги ҳақидаги фикр рўй-рост охиригача етказилган дейиш мумкин. Назорат органи ҳамма заводларнинг ишини назорат қилиши ва уларга раҳбарлик қилиши, бу заводларнинг маҳсулотига эгалик қилиши керак эмиш. Бу таклифга халқаро назорат органи ўзи бошқараётган корхоналарнинг даромадини ҳарбир мамлакат қўлидаги акцияларнинг миқдорига қараб бўлиши керак деган сўзни қўшиш қолади, халос. Ана шундан кейин масала янада равшанроқ бўлади.

Инглиз олимларининг юқорида айтиб ўтилган баённомасида корхоналарни халқаро назорат органи ихтиёрига бериш тўғрисидаги фикрнинг нотўғри эканлиги жуда ҳақли суратда фош қилинади. Олимларнинг айтишича, назорат органига бундай ҳуқуқларнинг берилиши қийинчиликларга сабаб бўлур эди, чунки бирон мамлакатнинг энергетика заводлари қураолиши ёки қураолмаслиги масаласини худди шу назорат органигина ҳал этиши керак бўлур эди. Бундай орган бу заводларда ишлаб чиқарилган энергиядан фойдаланишга тўсқинлик қилиш ва бу энергия блан та'минлаш шартларини белгилаш ҳуқуқига эга бўлур эди.

Атомчи олимлар Америка таклифларида илмий-текшириш ишлари олиб бориш ҳуқуқи фақат халқаро назорат органига берилганлиги ҳақидаги масалага тўхталиб, жуда тўғри равишда бундай дейдилар: «хавф илмий-текшириш ишларида эмас, балки бу иш натижасида эришилган натижалардан фойдаланишдадир. Назорат ишининг мақсади—илмий-текшириш ишлари натижасида эришилган натижалардан ҳеч қачон уруш мақсадлари учун фойдаланишга йўл қўймасликни та'минлашдан иборатдир».

Қўшма Штатларнинг таклифларида айтилганидек, Халқаро назорат органига корхоналарга эгалик қилиш ҳуқуқини, бирон мамлакатга корхона қуриш учун рухсат бериш ёки бермаслик ҳуқуқини, корхоналарнинг маҳсулотини эгаллаш ҳуқуқини, илмий-текшириш ишларини олиб боришда алоҳида катта ҳуқуқлар ва бошқа шу каби ҳуқуқларни бериш ғояси атом комиссиясининг докладида ҳам бирмунча ниқобланган шаклда такрорланган. Жумладан бу фикр, докладнинг 5-нчи қисмидаги 1-нчи бобнинг 4-нчи моддасида айтилган. «Бошқариш» тушунчасининг бу та'бирида аслда атом энергияси ишлаб чиқарувчи корхоналарни назорат органи ихтиёрига топшириш принципи, я'ни атом комиссиясидаги Қўшма Штатлар вакилининг юқорида эслатиб ўтилган баёнотидаги аниқ айтилган принцип ифода қилинган. 4-нчи моддада бундай дейилади:

«Бошқариш» деган сўздан ишлабчиқариш ҳақида ҳар куни қарорлар қабул қилиш ҳуқуқини, шунингдек планлаш ишлари юзасидан маслаҳат бериб туриш мас'улиятини тушиниш керак. Бошқариш назорати деган сўз директор ёки бошқарувчининг заводнинг ички ишларига назорат қилиб туришларини англатади. Халқаро назорат органининг бошқариши деган сўзни бошқариш идорасини бу орган тузади ва бу идора унинг олдида жавобгар бўлади, деган ма'нода тушиниш керак. Бошқариш одатда мулкка эгалик қилиш ҳуқуқига доир бўлса ҳам, бу ҳуқуққа албатта боғлиқ эмас».

Мен шунга э'тиборингизни жалб қиламанки, комиссиянинг фикрича, бошқариш — ишлабчиқариш ҳақида ҳар куни бевосита қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлиш, шунингдек планлаш ишлари учун жавобгар бўлиш демакдир. Булар очиқдан-очиқ мулкка эгалик қилиш ҳуқуқининг элементларидир.

Мен Хавфсизлик Кенгашининг э'тиборини ана шунга жалб қиламанки, докладдаги хулосага кўра, бошқариш аслида мулкка эгалик қилиш ҳуқуқидир. Дуруст, докладнинг шу жойидаёқ, бошқариш «бу ҳуқуққа албатта боғлиқ эмас» дейилади. Лекин асосий фикрни бирмунча юмшатиш учун қўшилган бу эскартиш модданинг ма'носини ва унда ифода қилинган нотўғри ва асоссиз ғояни ўзгартирмайди.

Атом комиссиясининг докладида аслда Америка вакилининг атом комиссиясининг биринчи мажлисида айтган фикри такрорланган. Мен юқорида айтиб ўтдимки, Халқаро назорат органига атом энергияси ишлаб чиқарувчи корхоналарга эгалик қилиш ҳуқуқи берилиши ва корхоналарга эгалик қилиш, уларни бошқариш ҳамда уларнинг маҳсулотини тасарруф қилишга доир бошқа муҳим вазифаларни амалга ошириш учун чекланмаган ҳуқуқ берилиши назорат органининг мамлакатларнинг ички ишларига ва ички ҳаётига аралашувига сабаб бўлади, провардида давлатнинг бутунича ўзи ҳал қиладиган масалаларига назорат органининг бошбошдоқлик блан аралашувига сабаб бўлади. Мен шуни уқдириб ўтишни зарур деб ҳисоблайманки, назорат органига бундай кенг ҳуқуқ ва ваколатлар берилиши давлатнинг мустақиллигига тўғри келмайди. Шу сабабдан, бу хил таклифлар мақбул эмас ва асоссиз бўлганлиги сабабли рад этилиши керак. Бундай таклифлар қаттиқ ва та'сирли халқаро назорат ўрнатиш вазифасини ҳал этишни осонлаштирмайди, балки аксинча бу вазифани ҳал этишни қийинлаштиради.

— Мулк ҳуқуқи ёки мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи ҳақидаги фикрнинг атом энергиясини халқаро миқ'ёсда қаттиқ ва чинакам назорат қилиб туриш вазифасига ҳеч қандай алоқаси йўқ. Бу жуда равшан шекилли. Шундай бўлса ҳам, юқорида айтилган фикрларни, уларнинг тамомила асоссиз бўлишига қарамай, зўр бериб ҳимоя қилмоқдалар. Шу блан бирга, назорат органига шундай ҳуқуқ ва ваколатларни бергандагина халқаро назорат системасини вужудга келтириш мумкин деб исбот қилиш учун ҳар хил асоссиз далиллар келтирмоқдалар. Юқорида айтилган таклифлар блан жиддий танишиб чиққанда, назорат ўрнатиш тўғрисидаги гаплар блан назорат органидаги кўпчиликнинг манфаатларини кўзлаб мамлакатларнинг хўжалик ҳаётига аралашиш ҳуқуқини олишга интилиш истаги яширинганлиги аён бўлиб қолади.

Ба'зи мамлакат вакилларининг атом комиссиясида ва Хавфсизлик Кенгашидаги сўзларида, шунингдек атом энергиясини халқаро назорат қилиш масалалари соҳасида сўнгги вақтда пайдо бўлган «мутахассислар»нинг сўзларида кўп вақт: Совет Иттифоқи назорат органининг кундалик ишини қандай тушинади ва бу орган ана шу кундалик ишига доир қарорларни қандай қабул қилади, деган савол берилади. Совет Иттифоқининг бу масаладаги фикри бирнеча марта баён қилинди. Агар зарур бўлса, мен яна такрорлашим мумкин: бу орган зарур ҳолларда кўпчилик овоз блан қарор чиқариш ҳуқуқига эга бўлмоғи керак. Аммо, бу нарса халқаро назорат тўғрисидаги гапларни баҳона қилиб, аслда гарчи назорат органидаги кўпчиликнинг қарори блан бўлса ҳам мамлакатнинг хўжалик ҳаётига аралашиш ҳуқуқи берилишига рози бўлиш мумкинлигини билдирмайди. Совет Иттифоқи буни истамайди ва бунга йўл қўяолмайди. Совет Иттифоқи назорат органларида бир ёқлама қарорлар чиқарадиган кўпчилик ҳам бўлиши мумкинлигини, совет халқига ҳайрихоҳлик блан қарамайдиган кўпчилик бўлишини билади. Шу сабабдан Совет Иттифоқи, афтидан ёлғиз Совет Иттифоқигина эмас, балки бошқа мамлакатлар ҳам, ўз халқ хўжалигининг тақдирини бу орган қўлига топшириб қўяолмайди. Бу фикрнинг тўғрилигини тарихий тажриба, шу жумладан Бирлашган миллатлар органларининг қисқа муддатли, аммо жуда ибратли тажрибаси тасдиқлайди. Совет делегацияси ваз'иятга холисона қараган ҳарбир киши Совет Иттифоқининг бу масалада тутган йўлини тўғри тушиниб олишига шубҳа қилмайди.

Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, атом энергиясини назорат қилучи халқаро органни тузган ва тафтиш ишларини уюштирган вақтда назорат органининг ҳуқуқ ва вазифаларини аниқ белгилаш зарур, токи бошбошдоқлик ва ҳаддан ошган ҳуқуқлар берилишига йўл қўйилмасин. Бу ҳуқуқ ва вазифаларни ана шундай аниқ белгилаш қаттиқ ва та'сирли назорат ўрнатишга, қаттиқ ва чинакам тафтиш ўтказилишига халақит бермайди. Аксинча, назорат органининг ҳуқуқ ва вазифаларини аниқ белгилаб бериш унга ўзига юклатилган назорат ва тафтиш вазифаларини пухта ва тез бажариши учун имконият туғдиради. Бундай ҳолда назорат органларининг мамлакатнинг ички иқтисодий ишларига аралашуви учун ўрин қолмайди.

Назорат органларининг ҳуқуқ ва вазифаларини аниқ белгилаб бериш тафтиш органларига ҳозир атом комиссиясининг докладида кўзда тутилган ҳуқуқларнинг, чунончи: ҳамма асбоб-ускуналарни ва ҳамма ишларни тафтиш қилиш, шунингдек заводларни тўхтатиб қўйиш, кундалик кон ва руда тозалаш ишларига аралашиш ҳуқуқларининг берилишига — лицензиялар, я'ни муайян шартлар асосида ма'лум ишлар блан шуғулланишга рухсат бериш ҳуқуқининг берилишига йўл қол-

(ОХИРИ ТЎРТИНЧИ БЕТДА)

А. А. ГРОМИКО нутқининг охири

(БОШИ УЧИНЧИ БЕТДА)

дирмаслиги лозим. Назорат органларининг ишини аниқ белгилаб бериш атом комиссиясининг докладида эҳтиёт чоралари ҳақидаги биринчи докладда муфассал баён қилинган ҳаракатларга йўл қўймайди. Кези келганда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, эҳтиёт чоралари ҳақидаги бу доклад комиссия докладининг яхши ўйланмаслан ёзилган бобидир. Бунинг сабаби қисман шу бўлса керакки, эҳтиёт чоралари ҳақидаги таклифлар атом комиссиясида ҳеч ким томонидан бирмунча жиддий муҳокама қилинмади. Бу докладда эҳтиёт чоралари ҳақида нималар йўқ дейсиз. Назорат органининг ҳуқуқ ва ваколатларини белгилаш муносабати блан бу докладда нималар кўзда тутилмайди дейсиз. Унда тафтишчиларнинг хоҳиши блан турли мамлакатларнинг ерида бемалол кезиб юриш ва бу мамлакатлар устида учиш зарурлиги асосланганлигини ҳам кўриш мумкин, атом энергияси ишлаб чиқарувчи корхоналарни бир тўда кишилар босиб олиш имконияти та'рифлангачлигини ҳам кўриш мумкин. Бу эса худди жиноятчилар тўғрисидаги афсонавий романга ўхшаб кетади.

Назорат органига чекланмаган ҳуқуқлар бериш тўғрисидаги таклифларнинг асоссизлиги равшан бўлишига қарамай, бу таклифларни ҳамон зўр бериб ҳимоя қилаётган кишилар бор. Шу блан бирга, бу кишилар бундай таклифлар гўё қаттиқ ва та'сирли халқаро назорат вужудга келтириш вазифаларига мувофиқ деб кўрсатишга уринмоқдалар. Бундай таклифларни ёзган ва ҳимоя қилаётган кишилар бу таклифларнинг амалга ошадиган таклифлар эканлигига ўзлари ишонадиларми-йўқми, мен буни билмайман. Ҳар ҳолда улар худди ана шу таклифлар атом энергиясини халқаро миқ'ёсда назорат қилиб турадиган системани вужудга келтириш учун асос бўлмоғи керак деб исбот қилишга уринмоқдалар.

Ҳақиқатда эса назорат органига чекланмаган ҳуқуқлар бериш ва атом корхоналарини унинг тасарруфига ва бошқаришига топшириб қўйиш, Қўшма Штатларнинг атом энергияси соҳасида ҳукмрон бўлишини та'минлашга уринишидан бошқа нарса эмас. Бу интилиш Америка Қўшма Штатлари вакилининг атом комиссиясида киргизган ва сўнгра атом комиссиясининг докладида асос қилиб олинган таклифларида яққол ифода қилинади.

Атом энергияси соҳасида бир мамлакатнинг ҳукмронлигини мустаҳкамлашга қаратилган бу таклифларнинг бир ёқламалиги атом комиссиясининг докладидаги барча асосий таклифларда, тавсияномаларда, умумий хулосаларда, гарантия масаласига бағишланган бобларда ва бошқаларда яққол сезилиб турибди. Шу сабабдан, бу таклифларнинг тез-тез қаттиқ ва ўринли танқид қилинаётганлигига ажабланиб бўладими, ахир. Инглиз олимларининг юқорида айтилган баённомасида Америка Қўшма Штатларининг таклифи шу жиҳатдан ҳам танқид қилинади. Баённомада бундай дейилади:

«Барух планига қарши бошқа мамлакатлар томонидан қилинаётган энг муҳим э'тироз шу бўлса керакки бу план, биринчи давр учун атом энергияси соҳасида Америка Қўшма Штатларининг ҳукмронлигини қувватловчи тадбирларни назарда тутади, бу мамлакат ён бериши лозим бўлган масалалар асосан энг кейинга қолдирилган».

Олимлар бу таклифларни бирмунча эҳтиётлик блан танқид қилишни афзал кўрганлар. Ҳарҳолда, улар бундай таклифлар йўли блан бир мамлакатнинг ўз ҳукмронлигини мустаҳкамлашга интилаётганлигини тўғри пайқабдилар.

Бу таклифларни, шунингдек атом энергиясини назорат қилиш тўғрисида Америка Қўшма Штатлари вакили тақдим этган планни қабул қилиш бошқа давлатларнинг асосий иқтисодий ва давлат манфаатларига хилофдир, чунки бу план уларнинг иқтисодий мустақиллигига қарши қаратилган. Бу план бошқа давлатларнинг мустақиллигига қарши қаратилган. Ба'зи кишиларнинг бу таклифларни ёқлаши аҳволни ўзгартирмайди.

3 Яна бир марта „вето" тўғрисида

Мен атом энергиясини назорат қилиш масалалари муҳокама қилиниши муносабати блан Хавфсизлик Кенгашида доимий а'зо бўлган беш давлатнинг якдиллиги принципи масаласида Совет делегациясининг фикри ҳақида бундан аввал гапирган эдим. Совет делегациясининг фикрича, «вето» масаласи ҳақида атом комиссиясининг докладида айтилган нома'қбул ва Бирлашган миллатлар ташкилотининг принципларига мувофиқ бўлмаган таклиф ҳамон ҳимоя қилинаберганда бу масалада келишув бўлиши мумкин эмас. Мен шуни ҳам эслатиб ўтган эдимки, назорат қоидаларини бузувчиларга жазо бериш масаласида ўртамизда келишмовчилик йўқ, бу масалада келишмовчиликлар бўлган ҳам эмас. Айбдорларга нисбатан, агар уларнинг айби исбот қилинса, тегишли жазо чоралари кўрилмоғи керак. Бунга ҳамма қўшилади. Жазо бериш масаласини ким ва қандай ҳал қилиши кераклиги устида келишмовчилик бор. Бундай қарорлар Бирлашган миллатлар ташкилотининг асосий принципларига мувофиқ чиқарилиши керакми, ёки бу принципларга хилоф суратда чиқарилиши керакми? Совет делегациясининг фикрича бундай қарорлар ташкилотимизнинг асосий принципларига қаттиқ риоя қилиб чиқарилиши ва бу қарорларни тинчликни сақлаш учун асосий мас'улият юклатилган орган, я'ни Хавфсизлик Кенгаши чиқариши керак. Ба'зи кишиларнинг беш давлатнинг якдиллиги принципи атом энергиясини қаттиқ назорат қилиб туришга халақит беради деб исбот қилишга уринишларига қарамай, бу принцип атом энергиясини назорат қилишга асло халақит бермайди.

Мен бу масалага яна бир марта тўхталиб ўтишга қарор берган эканман, бунинг асосий сабаби шуки, бу масаланинг илгари етарли даражада ёритилмаган ба'зи томонларини ёритиб беришни ва бу масалани тушуниб олишни истаган кишиларнинг уни тушуниб олишларига ёрдам беришни истайман.

Ба'зан, «вето» тўғрисида Америка планида айтилган таклиф беш давлатнинг якдиллиги принципига тааллуқли эмас, дейдилар. Буни, давлатлар ўзлари шартномага биноан, бу принципдан воз кечишлари керак, деб асосланмоқчи бўладилар. Шу блан бирга, шартнома тузилгандан кейин, ҳеч ким бу шартномани амалга оширишга халақит берадиган «вето» ҳуқуқига эга бўлмаслиги керак, дейдилар. Аммо, гап худди бу шартномада нималар назарда тутилиши кераклиги ҳақида бораётир. Якдиллик принципидан воз кечиш назарда тутилиши керакми, ёки шартномада беш давлатнинг Хавфсизлик Кенгашидаги якдиллиги принципи тилга олинмаслиги керакми?

Шундай қилиб, тегишли шартнома тузилгандан кейин, жазо бериш тўғрисидаги қарорни якдиллик принципи қўлланилмаган Хавфсизлик Кенгаши чиқариши керакми ёки ҳеч кимда «вето» ҳуқуқи бўлмаган назорат органи чиқариши керакми деган масала ўз ҳолича қолади. Ана шунинг учун Америка таклифларида аслда Хавфсизлик Кенгашидаги якдиллик принципи ҳақидаги умумий масала тилга олинган. Модомики, масала шундай экан ва ба'зи кишилар, даставвал Қўшма Штатларнинг вакиллари масалани бешта улуғ давлатдан фақат Совет Иттифоқи «вето» ҳуқуқини сақлашдан манфаатдор деб тасвирлашга уринаётган экан, совет делегацияси бу масалага яна тўхталишни зарур деб ҳисоблайди.

«Вето» ҳуқуқи Совет Иттифоқининг ташаббуси блан эмас, балки Қўшма Штатлар, жумладан марҳум президент Рузвельтнинг, шунингдек собиқ Буюк Британия бош министри Черчилльнинг ташаббуси блан белгиланган эди. Шундай қилиб, «вето» ҳуқуқининг ташаббускорлари Қўшма Штатлар ва Буюк Британия эди. Совет Иттифоқи ўз вақтида президент Рузвельтнинг таклифини қувватлади, чунки буюк давлатларнинг якдиллиги принципи тинчликни сақлаш манфаатларига мувофиқ деб ҳисоблади.

Бирлашган миллатлар ташкилотини тузишга доир асосий масалалар биринчи марта батафсил муҳокама қилинган Думбартон-Окс конференциясида беш давлатнинг якдиллиги принципини конференциянинг ҳамма қатнашчилари қувватлади. Конференцияда бу масала ҳақида бирон ихтилоф бўлиши уёқда турсин, балки масалани бошқа бирон тарзда ҳал қилиниш мумкинлиги конференция қатнашчиларидан ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмади. Бу конференцияда буюк давлатлардан барча ёки бирнечасига тааллуқли масалаларни, низо'ларни тинч йўл блан ҳал қилиш бобидаги масалаларни Хавфсизлик Кенгашида ҳал этган вақтда якдиллик принципини қандай қўлланиш кераклиги масаласигина очиқ қолган эди. Думбартон-Окс конференциясида бу масала ҳақида бир фикрга келинмади. Лекин, Бирлашган миллатлар ташкилотини тузишда ташаббус кўрсатган буюк давлатлар конференциядан кейин ҳам овоз беришда ҳаммани қаноатлантирадиган бир формулани қидиришни давом эттирдилар. Қўшма Штатлар ҳукумати ҳам бу ишни давом эттирди. Натижада Ялта шаҳрида чақирилган Қрим конференциясида марҳум президент Рузвельт тегишли формулани таклиф этди. Бу формула якдиллик блан ма'қулланди. Мен Қрим конференциясининг ҳамма қатнашчилари таклиф этилган формулани якдиллик блан ма'қуллаганлигини ва сўнгра Сан-Франциско конференциясида Бирлашган миллатлар ташкилоти уставининг V бобига 27-нчи модда сифатида киритилганлигини алоҳида уқдириб ўтаман.

Америка делегацияси Хавфсизлик Кенгашида овозга қўйиш тартиби ҳақидаги формулани таклиф этиши блан бирга, Қўшма Штатлар номидан бу формуланинг мазмунини ва уни асослаб берган далилларини ўз ичига олган баёнотни билдирди. Ўша вақтда Қўшма Штатларнинг давлат секретари бўлган Стеттиниус жаноблари ўқиб берган баёноти қуйидагича эди:

«Кенгашда овозга қўйиш масаласида Американинг фикри тўғрисида баёнот.

1. БУ МАСАЛАНИНГ МОҲИЯТИ ҲАҚИДАГИ ОБЗОР

Думбартон-Оксда муайян масалаларни муҳокама қилиш ва келгусида ҳал этиш учун қолдиришга деб қарор қилинган эди. Бу масалалар орасида асосий масала—Хавфсизлик Кенгашида овоз беришда қандай тартиб қўлланилиши кераклиги ҳақидаги масала эди.

Думбартон-Оксда уч делегация бутун масалани диққат блан муҳокама қилди. Шу вақтдан буён, бу масала ҳар учала ҳукумат томонидан диққат блан муттасил ўрганилди.

1944 йил 15 декабрда президент маршал Сталинга ва бош министр Черчилльга бу масала Думбартон-Оксда қабул қилинган таклифларнинг VI бобидаги «С» бўлимида баён қилиш йўли блан асосан қуйидагича ҳал этилсин деган таклифни юборди.

«С. Овоз бериш:

1. Хавфсизлик Кенгашининг ҳарбир а'зоси бир овоз ҳуқуқига эгадир.

2. Хавфсизлик Кенгашининг иш тартиби тўғрисидаги қарори а'золарининг кўпчилик 7 овози блан қабул қилинади.

3. Хавфсизлик Кенгашининг бошқа ҳамма масалалар ҳақидаги қарори а'золарнинг (шу жумладан доимий а'золарнинг ҳам) кўпчилик 7 овози блан қабул қилинади. Шу блан бирга, низо'да қатнашган томон қарор қабул қилган вақтда, VIII бобнинг «А» бўлимига мувофиқ ва VIII боб «С» бўлимининг I абзацидаги иккинчи жумлага мувофиқ, овоз беришда қатнашмайди».

Мен ҳозиргина ўқиб эшиттирган баёнотда озгина таҳририй ўзгартиш бор. Бу ўзгартиш президент таклиф этган дастлабки текстга совет ва инглиз вакилларининг фикрига мувофиқ киргизилган эди.

II. АМЕРИКА ТАКЛИФИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

(А). Бу таклиф умумий тинчликни сақлаш учун буюк давлатларга юклатилган махсус мас'улиятга тўла мувофиқдир. Бу жиҳатдан бизнинг таклифимиз тинчликни сақлашга доир ҳамма муҳим масалаларда, шу жумладан ҳамма иқтисодий ва мажбурий ҳарбий масалаларда Кенгашдаги доимий а'золарнинг албатта якдил бўлишларини талаб қилади.

(Б). Шу блан бирга, бизнинг таклифимиз доимий а'золарнинг юз бериши мумкин бўлган ҳарбир масалани тинч йўл блан ҳал қилиш ҳаммани қизиқтирадиган масала эканлигини, доимий а'зо бўлмаган мустақил давлатлар бемалол ўз фикрларини айтаоладиган масала эканлигини рўй-рост билдиришларини мувофиқ деб ҳисоблайди.

Бизнинг фикримизча, агар Кенгашда шундай эркин муҳокама қилишга рухсат берилмаса, биз ҳаммамиз истаган бутун жаҳон ташкилотини тузиш анча қийинлашуви, ҳатто бутунлай тузилмай қолиши мумкин. Кенгашда масала тўла ва эркин муҳокама қилинмаса, ташкилотни тузишга муваффақ бўлганда ҳам, бу ташкилот биз истагандек бўлмаслиги мумкин.

Биз қолган икки делегацияга тақдим этган ҳужжат мен ўқиб берган қоидаларни ва Кенгашнинг таклифимизга мувофиқ албатта якдиллик блан чиқарилиши лозим бўлган қарорларининг махсус рўйхатини ҳамда низо'лар ва уларни тинч йўл блан ҳал қилишга доир бўлиб, низо'да қатнашган ҳарбир мамлакат овоз беришда қатнашмаслиги лозим бўлган масалаларни алоҳида баён қилади.

III. АМЕРИКАНИНГ ТУТГАН ЙЎЛИНИ АСОСЛАШ

Қўшма Штатлар ҳукуматининг фикрича, овоз бериш тартиби масаласида иккита муҳим нарса бор.

Биринчиси шундан иборатки, мен эслатиб ўтган умумий тинчликни сақлаш учун доимий а'золар ўртасида якдиллик бўлиши зарур.

Иккинчиси шундан иборатки, Қўшма Штатлар халқи учун ташкилотнинг барча а'золарига адолатлик блан қаралиши ниҳоятда муҳимдир.

Ана шу икки масалани мувофиқлаштириш бизнинг бурчимиздир. Биз президент томонидан 1944 йил 5 декабрда маршал Сталинга ва бош министр Черчилльга тақдим этилган таклифлар бу икки муҳим масалани ақлга мувофиқ ва адолатли ҳал қилади ҳамда қониқарли суратда бирлаштиради».

Мен бу ҳужжатнинг айниқса қуйидаги қисмига Хавфсизлик Кенгашининг э'тиборини жалб қиламан:

1. «Америка таклифини таҳлил қилиш» деган қисмнинг 2-нчи (А) моддасига. Бу моддада айтилишича, бу таклиф тинчликни сақлаш учун буюк давлатлар зиммасига юклатилган махсус мас'улиятга тўла мувофиқдир. Шу сабабли бу таклиф ҳамма муҳим масалалар, шу жумладан ҳамма иқтисодий ва ҳарбий жазо масалаларида Кенгашнинг доимий а'золари албатта якдил бўлишини талаб қилади.

2. «Американинг тутган йўлини асослаш» деган қисмнинг 3-нчи моддасига. Бу моддада икки муҳим масала тилга олинади: а) доимий а'золар ўртасида якдиллик бўлиши зарурлиги ва б) ташкилотнинг ҳамма а'золарига адолатлик блан қараш зарурлиги кўрсатилади, шунингдек Америка таклифлари «масалани ақлга мувофиқ ва адолатлик блан ҳал қилади», бу икки муҳим масалани қониқарли суратда бирлаштиради, деган хулоса чиқарилади.

Қрим конференциясида бу масала, жумладан Қўшма Штатларнинг юқорида айтилган таклифи муҳокама қилинган вақтда «вето» принципини ва Америка таклифини Черчилль тамомила қувватлади. Қарорда ёзилишича (бу ерда секретарьнинг ёзуви эмас, балки совет делегацияси ёзган, аммо Черчилль томонидан ма'қулланмаган сўзлар кўзда тутилади), Черчилль қуйидаги фикрларни айтган:

У «Думбартон-Оксда ишлаб чиқилган дастлабки таклифлардан унчалик қаноат ҳосил қилмаган, чунки бу таклифларда уч буюк давлатнинг тутган ҳақиқий мавқе'и тўла назарда олинганлигига ишониб етмаган. Президентнинг янги таклифларини, я'ни «вето» тўғрисидаги таклифларни ўргангандан кейин, гап Британия миллатлар дўстлиги ва Британия империяси ҳақида борганликдан Черчилльда шак-шубҳа қолмаган. Бу Британия қироллигига қарашли мустақил доминионларга ҳам тааллуқлидир. Черчилльнинг э'тироф қилишича, тинчликнинг барқарор асосларда қурилиши масаласи уч улуғ давлатнинг дўстлиги ва ҳамкорлигига боғлиқдир; лекин, агар биз барча масалалар юзасидан кичик давлатларнинг ўз фикрларини эркин айта олишлари имкониятини кўзда тутмасак, ўзимизни алдаган ва ўз ниятларимизга риоя қилмаган бўлур эдик. Бунисиз уч асосий давлат гўё бутун дун'ёни бошқармоқчи бўлади деган фикр туғилиши мумкин бўлур эди. Ҳолбуки, уч улуғ давлат тинчлик йўлида хизмат қилишни ва дун'ёни ҳозирги урушда кўпчилик халқлар бошига тушган даҳшатлардан қутқазишни истайди. Ана шунинг учун уч буюк давлат умумий манфаатларга бўйсунишга тайёр эканликларини кўрсатмоқлари керак. Черчилль даставвал янги вазият Британия миллатлар дўстлигининг тақдирига қандай та'сир қилиши ҳақида ўйлайди, албатта. У конкрет бир мисолни, Англия учун қийин бўлган бир мисолни келтиришни, я'ни Гонконгни мисол қилиб кўрсатишни истайди.

Башарти президентнинг таклифи қабул қилиниб ва Хитой Гонконгни ўзига қайтариб беришни талаб қилса, шу вақтда Буюк Британия ўз фикрини баён этаолади ва уни ҳимоя қилаолади. Лекин, америкаликларнинг лойиҳасига биноан, манфаатдор мамлакат овоз беришда қатнашмайдиган масалаларни ҳал қилган вақтда Буюк Британия овоз бераолмайди. Хитой эса, Гонконг масаласи ҳақида ўз фикрини тўла баён қила олади ва Хавфсизлик Кенгаши масалани овоз беришда Британия ҳукумати қатнашмаган ҳолда ҳал этиши лозим».

Черчилль «ўзи келтирган мисолни» кўриб чиқишни илтимос қилди ва бундай деб таклиф этди: «фараз қилайлик, Британия ҳукумати Америка делегациясининг 1945 йил 6 февральдаги баёнотида тилга олинган ба'зи масалаларни, масалан икки томон ўртасидаги низо'ни ўзлари мувофиқ кўрган йўл блан ҳал этиш тинчликка хавф солади деган масалани муҳокама қилишга рози бўлмаслиги мумкин, чунки Британия ҳукумати бу масала Британия империясининг мустақиллигига тааллуқли деб ҳисоблайди.

Бундай ҳолда, Британия ҳукуматининг ғалаба қилиши та'минланган бўлади, чунки ҳарбир доимий а'зо ма'лум ҳолларда Хавфсизлик Кенгашининг ҳаракатини «вето» ҳуқуқи ёрдами блан тақиқлай олади; иккинчи томондан, ихтилофли масала юзасидан Хитойнинг ўз фикрини айтаолмаслиги адолатсизлик бўлур эди.

Миср ҳақида ҳам шуни айтиш мумкин. Агар Миср Англияга қарши Суэцш канали масаласини кўтарса, Черчилль бу масалани бемалол муҳокамага қўйдириши мумкин, чунки Американинг «вето» ҳақидаги таклифи Британия манфаатларини та'минлайди».

Ҳозир «вето» ҳақидаги таклифнинг ташаббускори ким бўлганлиги ҳақида ва бу масала тўғрисидаги дастлабки таклифлар қандай муҳокама қилинганлиги ҳақида ҳеч кимда шубҳа қолмаса керак, деб ишонаман. Бу изоҳот масала Бирлашган миллатлар ташкилотининг Уставида тегишинча ифода қилинишидан илгари қандай таҳлитда турганлигини билмоқчи бўлган кишилар учун фойдали бўлиши мумкин.

Қрим конференциясида совет делегациясига бошчилик қилган Генералиссимус Сталин Совет Иттифоқи номидан Рузвельт ва Черчилль таклифларига қўшилди, чунки буюк давлатларнинг якдиллиги принципи улар ўртасидаги ҳамкорлик манфаатларига ва бутун дун'ёда тинчликни сақлаш манфаатларига мувофиқдир.

«Бу, уруш вақтида эди. У вақтда буюк давлатлар ўртасидаги ҳамкорликнинг ва биргалашиб иш кўришнинг аҳамияти равшан эди, ҳозир эса, буюк давлатларнинг якдиллиги ва ҳамжиҳатлиги принципининг аҳамияти равшан эмас» дейишлари мумкин. Агар Қрим конференцияси вақтидан бери ўтган икки йил, Сан-Франциско конференциясидан ва уруш тамом бўлган вақтдан буён ўтган бир ярим йил ичида ба'зи кишиларда бу принципнинг тўғрилиги ҳақида шубҳа туғилган бўлса, буюк давлатларнинг келгусида ҳамкорлик қилиши ва келгусида халқаро тинчликнинг сақланиши ҳақида нима дейиш мумкин? Тинчликни сақлашга доир ҳамма муҳим масалаларни, шу жумладан жазо бериш тўғрисидаги масалани ҳал қилган вақтда буюк давлатларнинг якдиллиги принципидан зериккан кишилар бу принципнинг ўрнига бошқа қандай принципни таклиф этишлари мумкин? Улар «вето» ўрнига қандай ҳуқуқни таклиф этадилар? Улар бизни орқага, Миллатлар иттифоқи харобаларига судрашни истамайдиларми? Жаноблар, бу саволларга жавоб бермай ўтиш мумкин, аммо улардан қочиб қутилиш мумкин эмас.

Совет делегацияси бу масаладаги ўз фикрини қўшимча равишда тушунтириб беришни шунинг учун зарур деб топдики, биз атом комиссиясининг докладини қайтарганимизда, ақалли ўзимизнинг қандай аҳволда эканлигимизни аниқ ва равшан тушуниб олмоғимиз керак. Ҳақиқий аҳволни тушуниб олиш атом энергиясидан уруш мақсадларида фойдаланишга йўл қўймаслик ва ундан фақат инсониятнинг бахт-саодати учун, халқларнинг моддий аҳволини яхшилаш учун, уларнинг илмий ва маданий савиясини ошириш учун фойдаланиш ниятида атом энергияси устидан халқаро назорат ўрнатиш соҳасида Бирлашган миллатлар ташкилоти олдида турган муҳим вазифаларни бажаришга ёрдам беради.

ҲИНДИСТОН ҲУКУМАТИ ВА ХАЛҚИДАН СОВЕТ ҲУКУМАТИГА ТАШАККУР

ДЕҲЛИ, 7 март (ТАСС). Бу ерда ма'лум бўлишига қараганда, Ҳиндистон муваққат ҳукумати раисининг ўринбосари Жавахарлал Неру СССР Ташқи Ишлар Министри В. М. Молотовга мактуб юборган. Бу мактубда Бирлашган миллатлар Бош Ассамблеясида Жанубий Африкадаги ҳинд аҳолисига нисбатан қилинаётган муомала масаласи муҳокама этилган вақтда совет делегацияси Ҳиндистон делегациясини қувватлаганлиги учун Ҳиндистон ҳукумати ва халқи номидан совет ҳукуматига ва совет делегациясига ташаккур билдирилади.

Венгрияда республикага қарши қилинган фитна тўғрисида

Американинг Венгриядаги Иттифоқ Контроль Комиссиясидаги вакили генерал Вимз 5 мартда Венгриядаги Иттифоқ Контроль Комиссияси Раисининг Ўринбосари генерал-лейтенант Свиридовга қуйидаги мазмунда мактуб топширди:

«Сўнгги вақтларда Венгрияда бўлган сиёсий воқиалар тўғрисида ўз ҳукуматимнинг фикрини Сизга ма'лум қилиш ва Америка Қўшма Штатларининг Венгриядаги Иттифоқ Контроль Комиссиясидаги вакили сифатида ба'зи таклифларни баён қилиш шарафига муяссарман.

Қўшма Штатлар ҳукумати Ялта Декларациясини имзолаган мамлакатларнинг бири сифатида ўз зиммасига олган мажбуриятларига мувофиқ, тузилган Яраш битимига биноан, Венгриядаги Иттифоқ Контроль Комиссияси қатнашчиларидан бири сифатида ўз зиммасига олган жавобгарлигига мувофиқ, мустақил демократик тузумни барпо қилишда (Венгрия блан тузилган сулҳ шартномасида шу нарса кўзда тутилади) венгр халқига ёрдам қилишга қат'ий қарор берганлиги сабабли, ҳозирги вақтда Венгрияда вужудга келган сиёсий кризис тўғрисида ташвишланаётганлигини билдиришга мажбурдир. Венгрияда яқинда бошланган сиёсий воқиалар халқнинг ўзи томонидан эркин суратда сайланган ҳукумат раҳбарлигида яшаш ҳуқуқига хавф туғдираётган бўлса керак, чунки бу воқиалар Венгрияда озчиликни ташкил этган кишиларнинг халқ кўпчилиги сайлаган ҳукуматга та'сир кўрсатиш йўлида тажовузкорлик мақсадида кўп марта қилган уринишларини қувватлаш учун Венгриянинг ички ишларига ташқаридан даҳл қилинаётганлиги блан боғлиқдир.

Венгрия коммунистлари ўзларининг сиёсий мақсадларига одатдаги қонуний йўл блан эришишдан ожиз бўлиб, сўл блокдаги бошқа а'золар блан биргаликда, майда қишлоқ хўжайинлари партиясининг, кўпчилик партиясининг бир қанча вакиллари яқинда республика тузумига қарши қаратилган ва фош қилинган фитнада қатнашганлар, деб да'во қилдилар ва майда қишлоқ хўжайинларидан сайланган депутатларни парламентдаги ҳуқуқларидан маҳрум этишни талаб қилиб, депутатлари венгр халқи томонидан муносиб равишда сайланган бу партиянинг парламентда тутган мавқиини заифлаштиришга уриндилар. Айни замонда полиция ва ма'мурият органлари озчиликни ташкил этган ана шу кишиларнинг талабларига жиддий э'тибор қилиб, фитнани текшириш юзасидан ўзларига берилган ҳуқуқлардан давлатга қарши бўлган хавфни қонуний йўл блан тезликда йўқотиш мақсадида эмас, балки ўзларининг сиёсий душманларига қарши умумий кампания ўтказиш мақсадида фойдаландилар.

Венгриядаги Совет Олий Қўмондонлиги мамлакатнинг ички ишларига тўғридан-тўғри аралашиш йўли блан ҳозир Венгриядаги аҳволнинг танглашиб қолишига сабаб бўлди. Фитнанинг текширилиши муносабати блан, майда қишлоқ хўжайинлари партияси кейинги вақтгача шу партиянинг Бош Секретари бўлиб келган депутат Ковач Белани депутатлик ҳуқуқидан маҳрум этишга рози бўлмаганидан кейин совет оккупация кучлари Ковач жанобларини қамоққа олдилар. Ковачни қамоққа олиш учун у, «советларга қарши яширин террорчи гуруҳлар тузишда актив қатнашган» ва «Совет Иттифоқига қарши жосусликни уюштиришда актив қатнашган» деган да'волар асос қилиб келтирилган. Бу муҳим бир чора бўлса ҳам, совет қўмондонлиги масалани даставвал Қўшма Штатлар ва Бирлашган Қиролликнинг Иттифоқ Контроль комиссиясидаги вакиллари блан муҳокама қилмай, бир ёқлама ҳаракат қилди. Қўшма Штатлар Ҳукумати ҳозирги вақтда ўз ихтиёрида бўлган ана шу ма'лумотларга таяниб, бундай далиллар ва қўйилган айблар асоссиз, деб ҳисоблайди.

Қўшма Штатлар Ҳукуматининг фикрича, бу воқиалар Венгриянинг ички ишларига ўринсиз равишда аралашувдан иборатдир. Бунинг натижасида Венгрияда озчиликни ташкил этган бир гуруҳнинг венгр халқининг ўз иродаси блан сайланган мас'ул идорани озчилик диктатураси блан алмаштириш йўлидаги ҳаракатларига ёрдам берилади. Венгр халқи ана шу иродасини эркин ва мони'сиз ўтган сайловларда кўрсатган эди. Қўшма Штатлар Ҳукумати сайловларда венгр халқи томонидан берилган мандатни бекор қилиш йўлидаги бу уринишларга қарши чиқади.

Бундай шароитда Қўшма Штатлар Ҳукумати Иттифоқ Контроль Комиссиясидаги Совет ва Британия вакиллари мавжуд аҳволга доир фактларни, шу жумладан Ковач жанобларининг ишини ва фитнага доир фактларни Венгрия Бош Министри, Мудофаа Министри, Ички Ишлар Министри, Адлия Министри ва Миллий мажлис раиси блан биргаликда қараб чиқиш учун, шунингдек масалани ҳал этиш юзасидан қандай чоралар кўриш ҳақида Венгрия Ҳукуматига тавсия бериш учун Қўшма Штатларнинг Иттифоқ Контроль Комиссиясидаги Вакили блан бирга ҳаракат қилиш тўғрисида ўз ҳукуматларидан йўл-йўриқ олсинлар деб сўрайди. Шу блан бирга, Қўшма Штатлар Ҳукумати совет ма'мурларининг Қўшма Штатлар ва Бирлашган Қиролликнинг Иттифоқ Контроль Комиссиясидаги вакиллари блан маслаҳатлашмай туриб бундан буён ҳеч қандай чора кўрмасликларини ҳам сўрайди.

Мен бу мактубнинг бир нусхасини Британиянинг Иттифоқ Контроль Комиссиясидаги вакили генерал Эджкамга ҳам юбордим.

Сизга камол эҳтиром блан
Америка Қўшма Штатлари вакиллигининг бошлиғи
бригада генерали Ж. Х. Вимз».

Генерал-лейтенант Свиридов бу мактубга жавобан, 8 мартда генерал Вимзга қуйидагиларни билдирди:

«Генерал жаноблари,

Сиз шу йил 5 мартда юборган мактубингизда кейинги вақтларда Венгрияда бўлган сиёсий воқиалар тўғрисида ўз Ҳукуматингизнинг фикрини баён қилгансиз. Шу мактубингизга жавобан, Сизга қуйидагиларни ма'лум қилиш шарафига муяссарман:

Озчилик партиялари эмас, балки конституцияга ва республикага қарши бўлган фитна Венгриядаги демократик тузумга ва Венгрия Ҳукуматига хавф туғдирди. Озчилик партиялари майда қишлоқ хўжайинлари партиясини қонуний ҳокимиятдан маҳрум этишга ҳаракат қилмоқдалар ва озчилик диктатурасини барпо қилмоқчи бўладилар, деб озчилик партияларини айблашга асос йўқ, чунки озчилик партиялари Венгрия конституцияси асосида иш кўрмоқдалар.

Майда қишлоқ хўжайинлари партиясининг ўзи ҳам конституцияга қарши фитна борлигини ва бу фитна Венгриядаги ёш демократияга таҳдид қилганлигини инкор этмайди. Бу партия шу тўғрида матбуотда кўп марта ёзди, шунингдек партиянинг раҳбари Надь Ференцнинг кўп нутқларида ҳам шу тўғрида гапирилди.

Фитначилар орасида майда қишлоқ хўжайинлари партиясининг кўпгина кўзга кўринган вакиллари, шу жумладан парламент депутатлари ҳам бўлганлиги полициянинг ёки сўл блок партияларининг айби эмас. Майда қишлоқ хўжайинлари партиясининг ўзи шу партияда бўлган фитначиларнинг ҳаммасини айбдор деб топди ва уларни депутатлик даҳлсизлигидан маҳрум этиб, судга беришга ўз ихтиёри блан рози бўлди.

Шу сабабдан, Генерал жаноблари, Сизнинг озчилик партиялари майда қишлоқ хўжайинлари партиясининг вакиллари фитнада қатнашдилар деб да'во қиладилар деган сўзларингиз қуруқ ва асоссиз да'водир.

Венгрия ма'мурлари фитна тўғрисидаги ишни текшириб бўлганликлари ма'лум. Ҳозирги вақтда Венгрия Республикасининг мустақил демократик суди фитначилар ишини кўрмоқда. Мен шунга биноан, Сизнинг мавжуд аҳволни ва фитнани биргаликда текшириш тўғрисидаги таклифингизга қўшилаолмайман, чунки бу — Венгрия Республикасининг ички ишларига очиқдан-очиқ аралашиш бўлур эди ва Венгрия халқ судининг қонуний ҳуқуқларини қўпол равишда бузиш бўлур эди.

Сизнинг Ковач Бела ишига аралашувингизни совет оккупация ма'мурларининг Венгрия территориясида бўлган ўз қуролли кучларини ҳимоя қилишдан иборат қонуний ҳуқуқларига қасд қилишга уринишдан бошқа бир нарса эмас деб қарайман, шу сабабдан Америка Қўшма Штатлари ҳукуматининг шу тарзда аралашувига рози бўлаолмайман. Ковач Бела совет оккупация қўшинларига қарши қилган жиноятлари учун қамоққа олинди. Унинг қамоққа олинишига совет оккупация ма'мурларининг Венгриянинг ички ишларига аралашуви деб қараш мумкин эмас.

Мен ушбу мактубнинг бир нусхасини Британиянинг Иттифоқ Контроль Комиссиясидаги Вакиллиги Бошлиғи генерал Эджкамга ҳам юбордим.

Сизга камол эҳтиром блан генерал-лейтенант Свиридов».

(ТАСС).

Мас'ул муҳаррир: С. РАЖАБОВ.

ТЕАТРЛАРДА:

ҲАМЗА ТЕАТРИДА — 11 мартда **Олеко Дундич.** Спектакль кеч соат 8 яримда бошланади.

УЗОПЕРА ТЕАТРИДА — 11 мартда **Лайли ва Мажнун.** УзССРда хизмат кўрсатган артистлардан Сора Самандарова, Ғулом Абдураҳмонов, Р. Мордухаев, Розия Каримова, Р. Бобожонов, театр солистларидан Низомхўжаев, С. Юсупов, Михаил Давидов, К. Давидова ва бошқалар қатнашади. Дирижёр — Сталин мукофоти лауреати УзССР халқ артисти Мухтор Ашрафий.

МУҚИМИЙ ТЕАТРИДА — 11 мартда Баядера, 12 мартда **Офтобхон.**

УЗБЕК МУЗИКА ТЕАТРИДА (Беш'ёғоч) — 11 мартда **Тоҳир ва Зуҳра,** 12 мартда **Офтобхон.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Ф. В. Фелин раҳбарлигидаги цирк труппаси гастрольларининг охирги кунлари. Аттракцион — **йиртқич ҳайвонлар.** Уйнатучи — Кличис. Томоша кеч соат 9 да бошланади.

КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ИСКРА» — **Ҳужум маркази;** «НОВОСТИ ДНЯ» — **Райком секретари;** «ВЕСНА» — **Лўлиларнинг сўнгги чайласи;** АЛОҚА ХОДИМЛАРИ КЛУБИ — **Тош гул.**

Тошкент область, Қорасув район, 1-нчи бўлим халқ суди билдирадики, А. Рустамхўжаевнинг Р. Қосимовадан ажралиш ҳақидаги аризаси судда кўриш учун қабул қилинди.

ҲАМЗА НОМЛИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ УЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА

12 мартда

В. Шекспир асари
Ғафур Ғулом таржимаси

ОТЕЛЛО

5 пардали трагедия.

Отелло ролида—СССР халқ артисти **Аброр Ҳидоятов.**

Дездемона ролида — УзССР халқ артисти **Сора Эшонтўраева.**

Спектакль кеч соат 8 яримда бошланади. Касса кундуз соат 3 дан очилади.

Тошкент шаҳар промсоюзи системасидаги промкооператив артели «ТОШПОГРУЗ»

ЮК ОРТИШ ВА ТУШИРИШ,

от-уловда юк ташиш, юк боғлаш ва жўнатиш

ИШЛАРИНИ БАЖАРАДИ.

Бу ишларга заявкалар давлат ташкилотларидан ва айрим кишилардан қабул қилинади.

Артелнинг адреси: Тошкент шаҳар, Карл Маркс кўчаси, 108-нчи уй. Телефон — 35134.

Тошкент шаҳар, Сталин район, 13 бўлим халқ суди билдирадики, Т. Юнусовнинг Р. Ҳошимовадан ажралиш ҳақидаги аризаси судда кўриш учун қабул қилинди.

«Қизил Узбекистон» ва «Правда Востока» бирлашган нашриётининг босмахонаси.
Тиражи 64.5 минг
№ 114. Р.00141.